

1930 йил  
12 майдан  
чиқа  
бошлаган



# Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИИБ НАШРИ

№ 21 (3341)

2000 йил 25 май, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Бош муҳаррир минбари

## СЎНГГИ ҚЎНФИРОҚ АРАФАСИДАГИ ЎЙЛАР

Зугун мустақил юртимиздаги барча мактабларда сўнгги кўнғироқ чалиниб, минглаб йигит-қизларимиз битирув имтиҳонлари топшириб, етуқлик аттестати олиши ва мустақил ҳаётга қадам қўйишларидан дарак беради.

Сўнгги кўнғироқнинг чалиниши ҳар биримиз учун қувончлидир. Олдида "Ким бўлсам экан?" деган савол кўндаланг турган ёшлар ҳам, фарзандлари вояга етган катталар ҳам бу дамларда ҳаяжонланади. Эндиликда ҳар бир ота-она қувончга, шу билан бирга ўғил-қизларининг келгуси тақдирини ўйлаб ташвишга тушиши табиий.

Кечагина мактаб ўқувчиси бўлган ёшлар ота-оналари маслаҳати билан мустақил ҳаёт йўлини танлар эканлар, нафақат ўзлари, балки мамлакат келажагини ҳам барпо этадилар. Шунинг билан таъкидлаш лозимки, юртимизда ёш авлод ўз иқтидори ва ички имкониятларини тўлиқ намойиш этиши, суверен давлатимизда жамиятимиз ҳаётининг барча томонлари янгилашида қатнашиши учун барча чора-тадбирлар кўрилаяпти. Ўзбекистон раҳбарияти ҳар қанча қийинчиликларга қарамай ёшларга ғамхўрлик кўрсатиши давлат сиёсати даражасига кўтарди. Улар жамиятимиздан муносиб ўрин эгаллаши учун Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган кадрларни тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Унга кўра таълим тизими ислоҳ қилинаяпти, йигит-қизларимизни Америка Қўшма Штатлари, Франция, Германия, Япония, Италия ва бошқа ривожланган давлатлардаги нуфузли олий ўқув юртларида таълим олишга юбориш учун имкониятлар излаб топилаяпти. Булар мамлакатимизда ёшлар ҳаётини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган хайрли ишларнинг дебочаси, ҳолос.

Албатта, битирувчиларнинг ҳаммаси ҳам олий ўқув юртларига ўқишга кирмаслиги мумкин. Уларнинг аксарияти меҳнат жараёнида тезроқ қатнашиш учун коллежлар, махсус курсларда таълим олишади, айримлари эса ишга жойлашади. Бир сўз билан айтганда, ёшларнинг ҳар бири ақл-ўқ-кўк билан, ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда келажагини ўзи белгилайди. Бизда меҳнатнинг ҳар бир тури керакли ва фахрлидир.

Бу йилги битирувчиларнинг ҳаёти қандай кечади? Албатта, ҳар бириники ўзига хос тарзда ўтади. Аммо барчамиз ва ўсиб келаётган авлод тинч, осойишта ҳаёт кечирishi табиий. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек, мамлакатимизда "инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат манфаатидан устун туради".

Республикамиз мустақилликка эришган, эски замондан қолган, онгимизга, шууримизга ўрнашган асоратлардан воз кечиб, давлатимиз ва жамиятимиз қурилиши, янгилаши йўлида олиб бораётган ислохотларимизнинг пировад мақсади – аввало инсон манфаатига, инсонга ва халққа хизмат қилишдан иборат эканлигини аниқ англаб олдик.

Мазкур йилнинг ўзига хос томони бор. У Соғлом авлод йили деб эълон қилинди. Ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистонда мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тарбияси энг устувор вазифа деб белгиланди. Зеро, мамлакатимиз келажаги соғлом ва маънан етуқ авлод қўлидадир.

Ўғил-қизларимиз тарбияси улар мактабни битиришлари билан ниҳоясига етмайди. Ота-оналар ва жамиятимиз кечаги ўқувчиларнинг келажаги учун масъулдир. Шу боис, соғлом авлод ҳақида гап кетганда Президентимиз таъкидлаганларидек, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга руҳи, фикри соғлом, иймон-этиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлод тушунилишини ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз зарур. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади.

Ҳар йилги сўнгги кўнғироқлар нафақат ота-оналар, балки жамият олдида ҳам катта вазифаларни қўяди. Бинобарин, мактабни битириб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган минг-минглаб ёшларимиз бекорчилар сафидан қайирилиб қолмаслиги зарур. Меҳнат билан бандликка мутасадди бўлган ташкилотлар уларни ишга жойлаштириш учун бор имкониятлардан фойдаланишлари лозим.

Йигит-қизларимиз вояга етган маҳалла кўмиталари ҳам ёшлар тарбияси бўйича олиб борилаётган ишларни изчил давом эттиришлари талаб этилади. Бизга қайғу келтириши билан маълум бўлган қора кучлар улар онгига жамиятимиз учун ёт гоёларни сингдиришига асло йўл қўйиб бўлмайди. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканмиз, диний фанатизм ва экстремизм биз учун ётдир. Ёшларимиз ақл-идроки ва пок қалби учун курашда ислом дини доим муқаддас бўлиб қолади.

Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ёшлар билан ишлашда ўз фаолиятларини жонлангириб юборишлари лозим. Улар йигит-қизларимизни турли ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш билан бирга ҳушёрликка даъват этишлари зарур. Февраль ойида Тошкентда рўй берган террорчилик ҳаракатлари ва қўшни Қирғизистоннинг Боткен туманида халқаро экстремистлар томонидан амалга оширилган бебошликлар ёвуз кучлар ўзларининг жирканч ишларига ҳали маънавий жиҳатдан етуқ бўлмаган ёшларни ҳам тортиши мумкинлигини кўрсатди.

Барчамизнинг асосий мақсадимиз келажаги буюк бўлган давлат ва озод жамият барпо этишдир. Ушбу мақсад йўлида сўзсиз бу йилги битирувчиларимиз ҳам фаоллик кўрсатадилар. Шу ўринда мамлакатимизда ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш, таълим олиши ва касб эгаллаши учун шарт-шароитлар яратиш, уларни турли ташқи таъсирлардан ҳимоялаш, қалбини маърифат зиёси билан ёритиш каби талайгина масалаларни ўз ичига олган дастур амалга оширилаётгани қувончлидир.

Ёшлар бу даражада қўллаб-қувватланаётган давлат келажақда албатта, буюк ва қудратли бўлиши зарур. Шундай бўлади ҳам.

## ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!



Кўкрагини ғоз кержан, аскарлик кийими ўзига ярашган ёшгина йигитлар Ватанимиз байроғи қаршисида тиз чўкиб, Ватанга, Президентимизга, халқимизга содиқликка, улар учун ҳамма вақт, ҳар қандай хизматга шайликка қасамёд қилдилар.

## МИННАТДОРЧИЛИК РАМЗИ

Жорий йилнинг 18-19 май кунлари республикамизга Россия Федерацияси Президенти В. Путин расмий ташрифи буюрган эди. Уни кутиб олиш ва кузатишда, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда Тошкент шаҳар ИИББ-нинг ЙПХБ бир гуруҳ ходимлари катта масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўз хизмат вазифаларига сидқидилдан ёндошдилар.

Ташриф якунида Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги Протокол хизмати ходими А. Моисеев уларга В. Путиннинг миннатдорчилигини етказиб, эсдалик учун Россия Президенти номидан қўл соати ва шахсий ташриф варақасини ЙПХБ гуруҳ сардори, милиция капитани Шавкат Абдурахмоновга топшириш учун ИИББ раҳбариятига қолдирди.

Совға шу йилнинг 22 май куни эрталаб пойтахт ИИББ шахсий таркиби иштирокида Россия Федерацияси элчихонасининг Вице-Консули В. Васильев томонидан тантанали равишда милиция капитани Ш. Абдурахмоновга топширилди.

Гуруҳнинг бошқа ходимлари ҳам ИИББ бошлигининг буйруғи билан рағбатлантирилди.



**4 РАИС НЕГА  
ХАФА БЎЛДИ?**

**«РОССИЯ»ДАГИ  
ЎФРИЛИК**

**МАҲАЛЛА ҚЎМИТАСИ 9  
ЭЛ ДАРДИ БИЛАН ЯШАСИН**

Маҳалла тарбия, маънавият-маърифат бешиги. Шунинг учун одамларнинг фикри, янги ташаббуслар ҳам шу ерда тугилади.

**11 АВТОМАТ  
КАРАВОТ**

**KELGUSI HAFTA UCHUN  
MUNAJJIMLAR BASHORATI КРОССВОРД**

ОЙНАИ ЖАҲОН ДАСТУРЛАРИ – ТўЛАЛИГИЧА БИЗНИНГ ГАЗЕТАМИЗДА



# ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!

Кўрагини ғоз керган, аскарлик кийими ўзига ярашган ёшгина йигитлар Ватанимиз байроғи қаршида тиз чўкиб, Ватанга, Президентимизга, халқимизга содиқликка, улар учун ҳамма вақт, ҳар қандай хизматга шайликка қасамд қиларкан, бу тантанага махлиё бўлиб нафақат йиғилганлар, ҳатто вақт ҳам бир муддат тўхтаб қолди. Ҳарбий қасамд қабул қилаётган фарзандлари қатори жиддий ва ҳаяжондан ранги бироз ўзгарган ота-оналар ҳам бу муқаддас дақиқаларга шоҳид бўлаётганларидан мағрур.

Баҳорги муддатли ҳарбий хизматга чақирилган бир гуруҳ ёшлар ИИБ Қоровул қўшинларида йигитлик бурчини бажаришга киришди-

лар. Аскар йигитларни табриклаган бўлима сардори, офицер Синицин ҳарбий хизмат ҳар бир йигит учун синов даври эканлигини, бу синовдан муваффақиятли ўтган ҳар бир аскар Ватан, эл-юрт, авлодлари олдида доимо мағрур юра олишини билдирди.

— Ҳарбий қасамд қабул қилиш ёддан кўтарилмайдиган ҳодисадир, — деди ёш аскарларни табриклаган Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Қодиров. — Посбон Ватанинг шаъни, озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш, сўнгги нафаси қолгунча она-Ватанининг, халқининг, муқаддас заминнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга сўз беради...

Шу билан бирга мен сар-

## Мардлар кўриқлайди Ватанни



дорларга мурожаат қилиб айтмоқчиманки, сиз ёш аскарнинг устози, ҳимоячиси, маслаҳатчиси — ота-онасининг ўрнини босадиган инсонлар бўлишингиз керак. Сиз уларни ўз ҳарбий бурчларини аъло даражада ўтаб, ота-оналари, оилалари бағрига куч-қувватга тўлиб, жисмонан ва маънан чиниқиб қайтишларида раҳбарият ва қонун олдида масъулиятли, жавобгар эканлигингизни айтиб ўтмоқчиман.

Қоровул қўшинлари қўмондон ички хизмат генерал-майори Х. Алиев ҳам аскарлик қасамини қабул қилаётган йигитларни ва фарзандларининг эр этиб, Она-Ватан қорига яраганига гувоҳ бўлаётган ота-оналарни бугунги тантана билан самимий табриклаган, ҳарбий қасамд жангчининг мустақил Она-Ватани — Ўзбекистон Республикасига бўлган меҳру муҳаббати ифодаси эканлигини, Кон-

ституциямизни ва қонунларимизни муқаддас билиб, уларга риоя этиш, ҳарбий низомларни, сардорлар ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажариш, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Бундай тантанали қасамд қабул қилиниши, аскарларга эътиборни, айниқса, она тилимизда айтилган саф қўшиқлари, буйруқларни биринчи эшитимиз, — дейди бир овоздан фарзандларининг Ҳарбий қасамд қабул қилишида иштирок этаётган З. Салимжонов, А. Рашидовлар тўлқинланиб. — Айниқса, давлатимиз малҳияси янграганда, ҳарбий оркестр миллий чолғу асбоблари жўрлигида марш куйларини ижро этганда кўзимиздан беихтиёр ёш чиқиб кетди. Бу — Ватанимизнинг қудрати олдидаги ифтихор ёшларидир.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

# ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН

Ички ишлар идоралари сафларини ҳозирги замон талаби даражасига жавоб берадиган ёш малакали мутахассислар билан тўлдириб боришда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари жамоасининг хизмати беқийсдир. Академиянинг ўқув дастурларида режалаштирилган фанлардан машғул олиб бориш билан биргаликда турли хил тўғарақлар ҳам ишлаб турибди. Жумладан, фалсафа кафедрасида ҳам шундай илмий тўғарақлардан бири фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда кафедра профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида тингловчилар ўз қизиқишларига кўра илмий-ижодий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Мазкур фаолиятнинг дастлабки натижаларини ифода этиш мақсадида кафедра профессор-ўқитувчилари, илмий-тадқиқот ва шахсий таркиб билан ишлаш бўлиmlарининг масъул ходимлари, курс раҳбар зобитлари иштирокида 2-курс тингловчилари орасида "Ижтимоий ва маънавий тараққиёт — Ўзбекистон мустақиллиги мустаҳкамланишининг муҳим омилли" мавзусида илмий-назарий анжуман ўтказилди. Уни фалсафа кафедрасининг бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, милиция подполковниги Ф. Абдурахмонов кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг тингловчилардан Ш. Эрқабоев "Диний-экстремизм ва фанатизмнинг умуминсоний хавфсизликка таҳдиди", Б. Рашидов "Коррупция ва жиноятчиликка қарши кураш муаммолари", Л. Зайниддинова "Ҳозирги замон умумбашарий муаммолари", Г. Давидова "Диний онг ва унинг жамият барқарорлигини таъминлашдаги ўрни" мавзуларида маъруза қилдилар. Шунингдек, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича тингловчилардан А. Хайдаров, Р. Уруновлар қизиқарли мавзудаги маърузалари билан қатнашишди. Муҳокамада тингловчилардан Б. Акрамов, С. Дусманов ва Абдурахмоновлар иштирок этиб, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишди ҳамда анжуманнинг янада қизиқарли ўтишига муносиб ҳисса қўишди.

"Ўзбекистонда демократик давлат қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор Б. Каримов анжуманда кўтарилган масалаларнинг долзарблиги ҳақида гапириб, илмий ижодга кириб келаётган бўлажак ҳуқуқшуносларга катта зафарлар тилади.

Анжуман якунида сўзга чиққан академия илмий ишлар бўлимининг бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент Т. Саитбоев кафедра профессор-ўқитувчилари олиб бораётган ишларга юксак баҳо бериб, тўғарақ ишини янада фаоллаштириш лозимлигини таъкидлади. Бахсларда фаол қатнашган тингловчиларга қимматбаҳо китобларни совға сифатида топширди.

Х. САИТХҲАЕВ,  
ички хизмат майори.



## ЙИГИМ-ТЕРИМГА ҲОЗИРЛИК

Ўзбекистон Республикаси ИИБ, Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда "Ўзқишлоқхўжаликтаъмиртаъминот" Давлат корпорациясининг раҳбар ходимлари иштирок этган йиғилишда қишлоқ хўжалиги техникаси саройларини жорий йил йигим-теримга тайёрлаш масаласи муҳокама этилди.

Мажлисда сўзга чиққан республика Ички ишлар вазирининг муовини, милиция генерал-майори Б. Парпиев йиғилганларга тайёргарликнинг биринчи босқичи якунлангани ҳамда техниканинг асосий қисми созлаб қўйилгани ҳақида маълумот берди. Юқорида номлари келтирилган идораларнинг техникага масъул бўлган раҳбарлари машина-трактор саройларидаги техникалар сифатли текширилишини таъминлаган ички ишлар идоралари ходимларига миннатдорчилик билдиришди. Улар томонидан техникани сақлаш бўйича бузилишларга йўл қўйилгани, шунингдек техника қисмлари талон-торож қилингани фактлари аниқлангани таъкидланди. Шунга ўхшаш камчиликлар ўз вақтида бартараф этилгани трактор ва автомобилларни йигим-терим чизигига ўз вақтида келтириб қўйиш имконини берди.

Айни пайтда мутахассислардан тузилган ишчи гуруҳлари жойларга чиқиб йигим-теримга тайёргарлик кўришни ниҳоясига етказишда ва дала меҳнаткашларига яқиндан ёрдам кўрсатишда.

Ўз мухбиримиз.

## БОЛАЛАРНИНГ КЎНГИЛЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШИ УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида манфаатдор идора ва ташкилотларнинг вакиллари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, ёзги соғломлаштириш мавсумида болаларнинг ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди.

Мажлисда республика Ички ишлар вазирининг муовини, милиция генерал-майори Б. Парпиев сўзга чиқди. Нотик аввалги йиллар тажрибасига таянган ҳолда болаларни шаҳар ташқарисидаги дам олиш масканларига транспортда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилиши зарурлиги, бунга ДАН ходимлари шай эканини айтиб ўтди.

Ёнгин хавфсизлиги ходимлари томонидан ёзги оромгоҳлардаги ёнгин хавфсизлиги текширилди ва текширилмоқда, мавсум бошланишига оз вақт қолган бўлишига қарамай ҳамон камчиликлар борлиги аниқланмоқда. Ҳар бир соғломлаштириш оромгоҳига, деди Б. Парпиев, ёз давомида жамоат тартибини сақлашга масъул бўлган милиция ходими бириктириб қўйилди.

Мажлисда, шунингдек, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга имтиёзли ҳамда бепул йўлланмалар берилишига кўмаклашиш, ёзги соғломлаштириш тадбирларига тарбияси оғир болаларни кўпроқ жалб этиш каби муҳим масалалар ҳам ўртага ташланди.

Йиғилиш сўнггида тегишли қарорлар қабул қилиниб, болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этувчиларга вазифалар юкланди.

Ўз мухбиримиз.

## "ЭЛ ТАШВИШИ — МЕНИНГ ТАШВИШИМ"

Тўланбой асли риштонлик. Олтиариқ туманига чегарадош Қайрағоч қишлоғида туғилиб ўсган. Болалигидан спортга қизиқиб, мунтазам шуғулланиб келганидан, жуда эпчил, чаққон йигит бўлиб вояга етди. Ҳарбий хизматдан кейин ҳеч иккиланмай милиция хизмати-га кирди. Аниқроғи, Олтиариқ тумани ИИБ бошлиғи бўлиб ишлаган Абдумутал ака Қундузов вилоятда ўтказилган спорт маросимида унинг ҳаракатларидан завқланиб, суҳбатга тортиди ва милицияга чаққон, эпчил, бақувват йигитлар зарурли-

гини айтади, кейин уни ишга таклиф этади.

Тўланбойдаги муомала, ширинсуханликни ҳисобга олиб уни вояга етмаганлар билан ишлаш хизмати-га ишга тайинлашади.

— Мен милиция хизматини яхши ўзлаштириб олишимда Таваккал ака Раҳимовнинг ҳиссалари катта бўлди, — деди биз билан суҳбатда. — Айниқса, участка вакили бўлиб иш бошлаганимда улардан кўп нарсаларни ўргандим. Устозим менга доимо участка вакили халқ ичида бўлиши керак деб тайинлайдилар. Одамлардан ўзини баланд тутиб, уларга

беписанд қарайдиган участка нозири эл назаридан қолади, обрўси бўлмайди, дейдилар.

Тўланбой ишига жуда сидқидилдан киришадиган ходим. У хизмат қилаётган участкада жиноятчилик кескин камайди. Гарчи нисбатан аҳоли ҳам, келиб-кетувчилар ҳам кўп бўлган ҳудудда ишлаш осон эмас. Тўланбой Султонов бунга эришяпти, ишончли муваффақиятни удалаяпти. Шунинг учун ҳам, унга муддатидан аввал милиция капитани унвони берилди.



— Инсоннинг яшашдан мақсади бўлиши керак. Эл ташвиши билан яшаш менга завқ бағишлайди, — дейди у.

М. КИМСАНБОВЕВ.

## Шу сонга хабар

# ЖИНОЯТЧИГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Президентимизнинг шу йил 4 мартдаги "Рангли металл парчаларини республикамиздан четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинганидан хабаримиз бор. Аммо айни кунларда бундай нопок йўллар билан бойлик орттириш илинжидаги кимсалар учраб турибди. Уларнинг аксарияти аёллар эканлиги эса ачинарлидир. Масалан, шу йилнинг 7 май кунда Бешариқ ДАН масканида

Андижон — Наманган йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган "Икарус" автобуси тўхтатиб текширилганда, 200 кгдан ортиқ рангли металл парчалари вилоятимиздан олиб чиқиб кетилаётгани аниқланган. Металлфурушлар юқорида таъкидлаганимиздек, Андижон вилояти Булоқбоши туманида яшовчи аёллар опа-сингил Муқаддас ва Маърифат Тиллаева ҳамда ҳамтовоқ Умида Собирова экан.

Шу йилнинг 5 май кун

Наманган шаҳар ҳудудида ҳаракатланаётган 17 С 07-71 давлат белгили автомашина ҳам милиция ходимлари томонидан тўхтатилиб, текширилганда 250 кг рангли металл парчаларини Андижон вилоятига олиб кетилаётгани маълум бўлди. Бу сафар ҳам юртимиз бойлигини талон-торож қилишга уринган шахс аёл киши — Андижон вилоятида яшовчи Дилфуза Мадраҳимова бўлиб чиқди. Савол туғилади. Нега айнан метал-

лфурушлар Андижондан келишмоқда? Биз бу саволга жавоб излаб, вилоят рангли металл ширкати (АЖ)га ташриф буюрдик. Ширкат бошлиғи Бахтиёр Мўминовнинг айтишича, ушбу вилоятдан Қирғизистонга ўғрилик молларни олиб ўтиш қулай экан. Эл-юртнинг ризқи, бойлигига кўз олайтирган кимса мақсадига етолмайди. Чунки бундай пасткашлик жиноятдир. Ҳар қандай жиноятга эса жазо муқаррар.

Хайрулло  
АБДУРАҲМОНОВ,  
ИИБ  
ДАНБ инспектори.

# ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КҮЛ

Транспорт милицияси ҳаётдан

УРГАНЧ темир йўл шоҳбекатидан ҳар куни ўнлаб поездлар қатнайди. Улар орасида йўловчи ташувчи поездлар ҳам талайгина. Йўловчиларнинг тинч, осойишта манзилларига етиб олишларида транспорт милицияси ходимларининг хизмати бениҳоя каттадир. Улар бекатларда, темир йўлларда ҳамда ҳаракатдаги поездларда жамоат тартиб-ининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Ўтказилаётган "Тўсиқ", "Тозалаш", "Диққат, болалар!", "Қоратори" каби ўнлаб тadbирларда ижобий натижаларга эришилаётган. Нопок ниятли кимсаларнинг қинғир ишлари фош қилинмоқда. Бундан ташқари, темир йўлларга яқин бўлган

маҳаллаларда, ўқув муассасаларида олиб борилаётган учрашувлар, суҳбатлар яхши самара бераётган. Урганч темир йўл шоҳбекати тармоқ ИИБ ходимлари олиб бораётган бундай саъй-ҳаракатлар натижасида умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча камайди.

Урганч темир йўл шоҳбекати тармоқ ИИБ ходимларининг 6-божхона маскани билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари, айниқса, ибратли бўлаётган.

— Республикаимиз аҳолиси эҳтиёжи учун ниҳоятда зарур бўлган рангли металларнинг қўшни мамлакатларга олиб кетилишига қарши кенг қамровли тadbирларни амалга оширмоқдамиз, — дейди тармоқ ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги



Шавкат Жуманиёзов. — Афсуски, баъзи фуқароларимиз иқтисодийтимизни ривожлантириш ўрнига кундалик истеъмол учун зарур бўлган маҳсулотларни ташқарига олиб чиқишга уринишгапти. 6-божхона маскани ходимлари билан биргаликда 7 миллион 370 минг сўмлик аслида яроқсиз бўлган алюминий қозонларини "яроқли ҳўжалик қозонлари", деб

ҳўжатлаштириб, республикамиздан олиб чиқиб кетилаётганда ушланди. Қинғир йўллар билан пул топишга уринаётган бундай кимсалар айни кунда қилмишларига яраша жавоб беришмоқда.

Бу ерда ҳамкорликда амалга оширилаётган бундай ишлар талайгина эканлигининг гувоҳи бўлдик. Айниқса, гиёҳвандликка қарши кураш тadbирлари-

нинг пухта режа асосида олиб борилаётгани яхши натижа бераётган. Бундай самарали ишларни амалга оширишда Урганч темир йўл шоҳбекати тармоқ ИИБ ходимларидан, милиция майори Отаназар Қозоқов, милиция капитани Икром Рўзметов, милиция катта сержанти Ҳайитмат Бобошев, милиция кичик сержанти Илҳом Машарипов, 6-божхона маскани бошлиғи, божхона хизмати капитани Отахон Эшчонов, божхона хизмати катта лейтенанти Равшан Худойшукуровларнинг ҳиссаси катта бўлаётган.

Ҳ. ЖАББОРОВ.

**СУРАТЛАРДА:** Урганч темир йўл шоҳбекати тармоқ ИИБ ҳамда 6-божхона маскани ходимлари ҳамкорликда олиб бораётган ишлардан лавҳалар.

Жумабой ҚОЗОҚ олган суратлар.

КИДИРИЛМОҚДА

**Юнусобод тумани ИИБ томонидан куйидаги фуқаролар қидирилмоқда.**



**Ҳалима Исмаатуллаева,** 1923 йил туғилган, Юнусобод тумани Ҳасанбой даҳаси Беруний кўчаси 63-уйда яшайди.

**Белгилари:** бўйи 160 см, юзи чўзиқроқ, кўзи қора, қоши қора ёйсимон, сочи оқ, қирра бурун, оғзида 4 та тилла тиши бор.

**Кийимлари:** эғнида кўк жемпер, кўк кўйлак, оёғида қора қалиш бўлган.

**Ирина Евгеньевна Каткова,** 1923 йил туғилган, Юнусобод тумани Муртазаев кўчаси 18-уйда яшайди. 2000 йил 24 апрель кунини уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 163 см, юзи чўзиқроқ, кўзи кўк, қоши ёйсимон, бурни тўғри, сочи малла, жингалак.

**Алоҳида белгиси:** кўричакдан қолган чандиғи бор, чап оёғи оқсайди.

**Кийимлари:** эғнида оқ футболка, қора шўртик, оёқ яланг бўлган.

**Обод Хусенович Каримов,** 1988 йил туғилган Юнусобод тумани 15 мавзе 30-уй 10-хонадондан. 2000 йил 3 апрель кунини чиқиб кетиб қайтиб келмаган. Самарқанд вилояти Ургут тумани "Ўзбекистон" жамоа ҳўжалигида яшайди.

**Белгилари:** бўйи ўртача, юзи чўзиқроқ, кўзи ва қоши қора, сочи малла ранг.

**Кийимлари:** эғнида "Ади-дас" кўк спорт кийими, оёғида қора, туфли бўлган.

**Дағар Жалилович Эргашев,** 1951 йил туғилган, Юнусобод тумани Бодомзор кўчаси 1-уйда яшайди. 2000 йил 17 март кунини уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 170 см, юзи чўзиқроқ, кўзи қора, қоши қора ёйсимон.

**Алоҳида белгиси:** чап елкасида аёл кишининг расми бўлиб, "Гўзалим" деб ёзилган татуировка бор Киндигининг тепасида ярадан қолган из бор.

**Кийимлари:** эғнида оқ куртка, қора шим, кўк кўйлак, оқ майка, кўк труси, оёғида қора пайпоқ, оқ туфли.

**Анас Ҳасанович Сафин,** 1925 йил туғилган, Юнусобод тумани Ц-4 мавзе, 9-уй, 75-хонадонда яшайди. 2000 йил 30 март кунини уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 180 см, юзи юмалоқ, кўзи кўк, қоши ёйсимон, бурни тўғри, лаби ингичка, қулоғи катта, чап оёғидаги бош бармоғида холи бор.

**Кийимлари:** эғнида қора пальто, қора шим, кўк кўйлак, оёғида оқ пайпоқ, қора туфли, бошида кўк кепка бўлган.

**Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки ҳаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

## Халқаро алоқалар

### МАШҒУЛОТЛАРНИ ФТБ МУТАХАССИСЛАРИ ОЛИБ БОРИШАЯПТИ

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида "Жиноят содир бўлган жойдан далилий ашёлар олиш ва сақлаш" мавзусида ўқув ташкил этилди. Республика ички ишлар идоралари криминалист ходимлари иштирок этаётган машғулотларни Б. Беччиони, Р. Болелли, В. Китинга ва М. Джемиониладан иборат бир гуруҳ АҚШ Федерал тергов бюроси йўриқчилари олиб боришгапти.

Америкалик мутахассислар беш кун мобайнида ўзбекистонлик ҳамкасбларини жиноят содир бўлган жойдан далил бўладиган маълумотларни олиш ва сақлаш, ушбу жараёни ҳўжатлаштириш, суратга тушириш, бармоқ изларини олиш, латент (кўринмас) излар, шунингдек, асбоблар, пойабзаллар, транспорт воситаларидаги изларни топиш, жиноят рўй берган жой-

нинг сақланишини таъминлашнинг ўзига хос ҳўжатлари билан таништирадлар. Булардан ташқари, шартли жиноят жойида амалий машғулотлар ўтиш, ҳар бир иштирокчининг хатти-ҳаракатини таҳлил этиш ҳам кўзда тутилган.

Яъни, эксперт-криминалистларимиз америкалик мутахассислар ўз ишларида қандай усул ва услублар, шунингдек, техника воситаларидан фойдаланишаётганини билиб олишади. Меҳмонлар дастлабки киришган ходимларнинг ўз ишларида қандай усул ва услублар, шунингдек, техника воситаларидан фойдаланишаётганини билиб олишади. Меҳмонлар дастлабки киришган ходимларнинг ўз ишларида қандай усул ва услублар, шунингдек, техника воситаларидан фойдаланишаётганини билиб олишади. Меҳмонлар дастлабки киришган ходимларнинг ўз ишларида қандай усул ва услублар, шунингдек, техника воситаларидан фойдаланишаётганини билиб олишади.

Ўқув тугагач, иштирокчиларга махсус сертификатлар берилади.

А. САПАРМАТОВ.

Бугунги кунда ички ишлар ходимларининг жиноятчиликка қарши кенг кўламда иш олиб боришлари кўп жиҳатдан уларнинг касб маҳорати қай даражада шаклланганлигига боғлиқ. Ички ишлар ходими жиноятчиликка қарши кураш олиб боришдан олдин аввало ўзлари тартиб-интизомли, виждонли, довурак шу билан бирга билимли бўлишлари ҳам зарур.

Шу талаб нуқтаи назардан қараганда вилоятимиз ички ишлар идораларида эл тинчлиги йўлидаги машаққатли хизматга киришган ходимларнинг билим ва маҳоратларини ошириш борасида изланиш кун тартибимиздаги асосий масала ҳисобланади.

Маълумки, Сурхон воҳаси мамлакатимизнинг энг жанубий дарвозаси. Бу ерда хизматда бўлган ходимлар ҳар тарафлама катта билим ва тажрибага эга бўлиши уларнинг ўта оғир хизматларини енгиллаштириувчи бирдан-бир воситадир. Очигини айтиш керак-ки, ҳали кўпгина ходимларимиз ҳуқуқий маълумотга эга эмас. Уларнинг аксарият қисми Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги ўқув юртларида таҳсил олишмаган.

Шу босдан бу ходимларнинг кўпларини қайта ўқитиш мақсадга мувофиқдир. Бош-

қармамиз раҳбарияти розилиги билан биз яқинда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг раҳбариятига кадрларимизни қайта ўқитиш мақсадида ёрдам сўраб мурожаат этган эдик. Кунингеча шу Академиядан тўрт нафар ўқитувчилар: Академия криминалогия кафедраси доценти милиция полковниги Убайдулло Қодиров, Жиноят процесси кафедраси катта ўқитувчиси милиция полковниги Аҳмаджон Жўраев, криминалистика кафедрасининг катта ўқитувчиси милиция подполковниги Хусан Икромов, оператив қидирув ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси милиция майори Ҳасан Амиржоновлар вилоятимизга ташриф буюришиб, уч кун мобайнида Вилоят ИИБ барча шаҳар ва туман ИИБ Тергов, жиноят-қидирув, коррупция ржкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ҳамда профилактика хизмати ходимларига ўзларининг ўқув машғулотларидан сабақ беришди. Уйлаймизки, бу борадаги эзгу иш ўз самарасини кўрсатади.

Шу ўринда бизга яқиндан ёрдам кўрсатган Академия раҳбариятига бошқармамиз раҳбарияти ва шахсий таркиби номидан катта миннатдорчилик билдириб қоламиз. Сурхондарё вилояти ИИБ ўринбосари милиция майори

С. Б. ПЎЛАТОВ.

## МИННАТДОРМИЗ

### "Диққат, болалар!" тadbiri

#### ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ

Шу йилнинг 20 майдан бошлаб Тошкент вилояти ҳудудида ички ишлар бошқармаси томонидан болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида "Диққат, болалар!" ўн кунлик тadbiri ўтказилмоқда.

Тadbир иш режасига кўра сержантнинг йўлларда, аҳоли гавжум жойлар ёнида йўл назорати ишларини кучайтириш, болалар ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил мавсумига пухта тайёргарлик ишлари бажарилиши белгиланган.

Шу кунларда вилоят ички ишлар бошқармасининг барча хизмат ходимлари ДАНБ ходимлари билан бирга мактаб ва боғчаларда, корхона ва маҳаллаларда ҳаракатланиш хавфсизлиги, болаларни намунали ҳаракатланиш ишти-

рокчиси этиб тарбиялаш мавзуларида суҳбатлар ўтказилмоқдалар.

Шунингдек, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон каби тоғли туманларда жойлашган болалар дам олиш оромгоҳларига олиб борувчи йўллар созилиги, йўл белгилари, светофор, йўл чизиқларининг мавжудлиги, уларнинг техник ҳолати, кўринишини текшириш, зарур ҳолларда уларни ўрнатиш, эскиларини янгилаш ишлари бажарилаётган.

Амалга ошираётган ҳамма ишларимиз фарзандларимиз камоли учунлиги барчага маълум. Зеро, ҳар бир кишининг янашдан олий мақсадларидан бири ўзидан соғлом зурриёд қолдиришидир. Шундай экан, ўтказилаётган ушбу тadbирда корхона ва ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари, қолаверса, барча ота-оналар фаол иштирок этишлари зарур. Шундагина кўзланган мақсадга эришамиз.

Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ, милиция капитани.

## РАИС НЕТА ХАФА БЎЛДИ?

Вилоятимиз ҳудудида жойлашган халқ ҳўжалиги ишшоотларининг, аҳоли уй-жойларининг ёнги хавфсизлигини таъминлаш бўйича ходимларимиз тегишли ишларни олиб бормоқдалар.

Ҳазорасп ип-ийгирув очик турдаги ҳиссадорлик жамиятидагилар режа топириқларни ўйлашади. Бу яхши. Бироқ жамият раиси Х. Қурбоновнинг ишлаб чиқариш, қолаверса, инсонлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб бораётган ишлари мутлақо талабга жавоб бермайди. Корхона раҳбарига бажариш учун таклиф қилинган тadbирлар йилдан йилга бажарилмасдан келинмоқда.

Масканининг ёнгига қарши ҳолатини кузатиш-назорат қилиш жилдидаги ўн йил давомида давлат ёнги нazorати ходимлари томонидан таклиф қилинган тadbирлар ва кўрилган маъмурий чораларни таҳлил қилиб чиққаннимизда корхона раҳбарининг масъулиятсизлигига яна бир бор амин бўлдик.

Корхона раҳбарлари ёнги-

га қарши тadbирларнинг бажарилишини таъминламаганлиги учун 1990, 1991, 1994 йилларда жаримага тортилганлар. Ёнгига қарши ҳолати қониқарсизлиги учун корхонанинг хом ашё, тайёр маҳсулотлар омборлари 1991-1992 йилларда вақтинча ёпилган. Пахта титиш цехи ёрдамчи хоналари, тайёр маҳсулотлар омбори 1993 йилда яна бир марта бекитилган.

Охири ўн йил давомида кўрилган маъмурий чораларга қарамай корхонада ёнгига қарши тadbирларни бажаришда силжиш йўқ, капитал ва кундалик хусусиятга эга ёнгига қарши қатор тadbирлар бажарилмасдан келинмоқда. Ҳамон цехларга, омборларга ўрнатиш ёнгиини автоматик ўчириш сплинкер ускунаси ишчи ҳолатга келтирилмаган. Ички ўт ўчириш жўмакларни жиҳоз-

ланмаган. Хоналарга ёнгиинга қарши автоматик сигнализация ўтказилмаган. Хом ашё ва тайёр маҳсулотларни сақлашда ёнгиинга қарши оралиқлар сақланмаётган. Омборларда, иссиқлик манбаи хонасида электр чиқоқлари, сим ва кабеллар қоидага зид ҳолда ўрнатилиб ишлатилмоқда.

Бу каби қоидабузарликларни кўплаб келтириш мумкин. "Ўзбекистон Республикасида давлат назорати тўғрисида низом"нинг 19-бандида бундай раҳбарларни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш белгиланган.

Тўғри гапни айтсак, раис биздан хафа бўлди. Афсус, гинакудурат, хафа бўлишлар билан иш олға силжмайди. Фақат амалий ишгина вазиятни яхшилаши мумкин. Бу эса шу корхонада умид билан ишлаб юрган кишининг ҳаёти ва меҳнатларининг хавфсизлигини таъминлаган бўларди.

Рустам ОТАЖОНОВ, Хоразм вилояти ИИБ ЁСБ бошлиғи, ички хизмат майори.

# ҚЎРИҚЛАШ БЎЛИНМАСИ ЯНГИ БИНОДА

**Жалолқудуқ тумани ИИБ қўриқлаш бўлини 1995 йилдан буён туман алоқа бўлимига қарашли бинода фаолият кўрсатиб келмоқда эди. 1999 йилнинг ноябрь ойида эса туман ҳокимлигининг қарорига биноан бино қўриқлаш бўлини ҳисобига бириктирилди. Ёш, ташаббускор ходимлардан милиция капитани Музаффарбек Мамасиддиқов бошлиқ этиб тайинланган бино қайта таъмирланиб, замон талабига жавоб берадиган ҳолатга келтирилди.**

— Таъмирлаш ишлари учун 631.000 сўм маблағ сарфланди, — дейди биз билан суҳбатда М. Мамасиддиқов. — Асосий ишлар ҳашар йўли билан амалга оширилди. Бу борада ҳар бир ходимнинг ўзига хос


меҳнати сингди, албатта. Таъмирлаш ишларида яқиндан кўмак берган тумандаги 124-механизациялашган кўчма колонна раҳбариятига миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Кунни кеча қайта фойдаланишга топширилган бинонинг очилиш маросими

бўлиб ўтди. Унда вилоят ички ишлар бошқармаси, туман ички ишлар бўлими, туман корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этдилар. Йиғилганлар бинонинг қайта таъмирланиши нафақат шаҳар кўркига кўрк бағишлаши, балки замон андозалари талабларига жавоб бера олиши ҳақида тўхталдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

**Суратда: бинонинг ташқи кўринишидан лавҳа.**



## ҚОНУН ҲАММАГА БАРОБАР

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш сари одимлаётган мамлакатимизда ҳар бир фуқаро, мавжуд қонун-қоидаларни яхши билиши, тушуниши ва ҳурмат қилмоғи керак. Ички ишлар идоралари ходимлари эса бу борада ўрнак бўлмоқлари лозим, чунки улар ҳақ-ҳуқуқни ҳимоя қиладилар.

Яқин йилларда Марғилон шаҳар ИИБ ходимларидан беш нафари ҳуқуқбузарлик қилгани учун қора курсида ўтириб, тегишли жазога тортилганди. Буни бир сўз билан, милиция шаънига доғ деб баҳолаша бўлади. Инсон, модомики, яшар ва ишлар экан, ўзини

доимо гоёвий, маънавий жиҳатдан тарбиялаб бориш зарур.

— Ички ишлар ходимининг ўзи ҳуқуқбузарлик қилиши оғир иснод, — деди биз билан суҳбатда шаҳар ИИБ бошлиғи муовини, милиция майори Қамбарали Мақсудов. — Шунинг учун ҳам биз аввало ходимларнинг маънавиятини юксалтиришга эътиборни кучайтиряпмиз. Маърифат дарслари билан чекланиб қолмай, маданий тадбирлар ўтказаяпмиз. Албатта, шу ўринда ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам зарурлигини унутмаётганимиз йўқ. Ўтган йили ИИБ худудида новвойхона, ошхона ташкил

эрдик. Бу ерда нон, овқатлар нисбатан арзон. Яна бир томони, овқатланиш учун ходимлар шаҳардаги ошхоналарга сарсон бўлишмайди. Зарур ҳолларда ходимларга моддий ёрдам берилляпти.

Милиция ходими ҳар жиҳатдан чиниққан бўлиши керак. Шунинг учун шаҳар ИИБ раҳбарияти ходимларнинг жисмоний чиникишлари, жанговар тайёргарлигини мустақамлаш учун қатор тадбирлар ўтказаяпти. Соғлом танда соғлом фикр бўлади. Жисмонан бақувват, ақлан теран киши қонунбузарликдан йироқ бўлади.

**М. КИМСАНБОВ.**

# ЎЗ УЙИМИЗНИ ЎЗИМИЗ ҚЎРИҚЛАЯПМИЗ

Бошқармамиз жамоаси бир неча юз иншоотларни қўриқлаб келмоқда.

Вилоят, шаҳар, туман ички ишлар бўлими хузуридаги 11 та қўриқлаш бўлими ва бўлиналари томонидан республикамиз санаятида етакчи ўрин тутадиган нефть ва газ конлари, Ҳисорак, Чимқўрғон, Пачкамар, Таллимаржон сув омборлари Қарши магистрал канали ва унинг қатор насос станциялари, қўплаб банк муассасалари, фуқароларнинг хонадонлари ва бошқа қўплаб иншоотларнинг дахлсизлиги кўз қорачиғидек асраляпти. Шахсий таркиб ўзининг бевосита хизмат вазифаларини бажаришдан ташқари жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш билан бир қаторда қишлоқ ҳўжалигида етиштирилаётган ризқ-рўзимиз — ғалла ва пахта ҳосилини ўриб-йиғиб олиш мавсумларида ҳам фаол иштирок этишади.

Натижада жамоамиз ўзининг 1999 йилги хизмат ва молия-ҳўжалик фаолиятининг якунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги “Қўриқлаш” бирлашмаси бўйича вилоятлар ичида фахрчи биринчи ўринни олди.

Қўриқлаш тизимлари томонидан қўриқловга олинган иншоотлар техник воситалар билан жиҳоз-

ланган. Ходимларимизнинг ҳушёрлиги туфайли ўтган йили 205 нафар фуқаро жиноят содир этганликда гумонланиб, ички ишлар бўлимига келтирилди ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари, майда ташмачилик содир этганликлари учун ушларни, уларга нисбатан қонуний чоралар қўрилди. Майда ташмачилик содир этган шахслардан жами 1 миллион 264 минг сўмликдан зиёд моддий товар бойликлар олиб қўйилди ва судлов идоралари томонидан 2 миллион 300 минг сўмга яқин жарима ундирилди.

Шунингдек, милиция майори Тўқсон Қўзиев, милиция капитани Қурбонбой Ҳаққиев ва милиция катта сержанти Аҳмад Эшматовлар томонидан шу йилнинг 26 январидан 27 январга ўтар кечаси соат 2.00 ларда Чироқчи тумани Чиял жамоа ширкат ҳўжалиги Оқтунли қишлоғида истиқомат қилувчи Нуриддин Хўжақулов, Қарши шаҳар 2529-автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишловчи Норпўлат Ҳақбердиев бошқарувида бўлган “ЗИЛ – 130” русумли автомашинаси ушланди. Улар Ушмон Юсупов тумани “Жейнов” пахта тозалаш заводи товаршуноси Мухтор Полвонов билан жинойий тил бириктириб, ҳар кило-

грамми 3 сўм 70 тийин бўлган 5850 килограмм пахта чигитини ҳеч бир ҳужжатсиз Чиял жамоа ширкат ҳўжалигида яшовчи фуқаро Шавкат Мирзаевнинг ҳовлисига кириштиб, 300 минг сўмга сотишга келишган экан. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Бундан ташқари, қўриқлаш хизмати ходимлари ички ишлар идоралари ходимларига жиноятчиликка қарши кураш, содир этилган жиноятлар очирилишига ҳам ўзларининг салмоқли улушларини кўшмоқдалар. Биз Қарши шаҳар ички ишлар бўлими хузуридаги қўриқлаш бўлими милиционерлари, “Жасорат” медали соҳиби, милиция сержанти Баҳром Юнусов, милиция капитани Мухсин Эргашев, ўта хавфли жиноятчиларни қўлга олишда фаол иштирок этган Китоб тумани ички ишлар бўлими хузуридаги қўриқлаш бўлини маси ходими, милиция сержанти Уллубек Жўраев, Шўртан бўлини маси сардори, милиция майори Ибодулла Ҳусанов, бошқарма шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта нозири, милиция катта лейтенанти Улуғмурод Очиловдай хизматчиларимиз билан фахрланамиз.

**Исроил ТЎХТАМИШЕВ,**  
милиция подполковниги.  
Қашқадарё вилояти.

## “ П А С П О Р Т ” ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Тошкент вилояти худудида ижтимоий-сиёсий аҳвол барқарорлигини мустақамлаш мақсадида “Паспорт” тадбири ўтказилмоқда. Тадбир вилоятнинг барча шаҳар ва туманларини қамраб олиб, унда ҳокимиятлар, МХХ, прокуратура ва солиқ идоралари, чегара қўшинлари ходимлари, жамоатчилик иштирок этияпти. Алоҳида эътибор вилоятнинг қўшни давлатлар билан чегарадош шаҳар ва туманларига қаратилган.

Тадбир давомида ҳозиргача 53409 та шахсий уй ва хонадонлар, 30 меҳмонхона, 318 корхона ва ташкилот текширилди. 41 та бўш хонадон бўйича ҳокимиятларга ахборот берилди. Жами 1241 нафар қоидабузарлар аниқланиб, улардан 960 кишига жарима солинди. Вилоят худудида асоссиз яшаётган 105 МДХ фуқаролари Ўзбекистон Республикаси худудидан чиқариб юборилди. Шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган 123 фуқаро қабул қилиш-тақсимлаш муассасасига жойлаштирилди. Паспорт тизими қоидаларини бузган 36 шахс аниқланиб, уларга нисбатан қонуний чоралар қўрилди.

Тадбир давомида қатор бошқа қонунбузарликлар ҳам аниқланди. Жумладан, Тожикистон Республи-

каси Нов тумани, Куркат қишлоғида яшовчи Хуршид Ёдгоров ва шу қишлоқда яшовчи, уй бекаси Гулмира Алланазаровалар Бекобод шаҳрида тўхтатиб текширилганларида, уларнинг ёнларидан 1 килогероин гиёҳвандлик моддаси олинди.

Янгийўл тумани Тинчлик жамоа ҳўжалигида яшовчи, нафақадор Насиба Юсупованинг томорқасида 28 туп кўкнори ўсимлиги аниқланиб, йўқ қилинди.

Тошкент туманида “Регистон” ДАН чегара блок-пости айланма йўли орқали номаълум шахслар Қозоғистон Республикасига олиб чиқиб кетиш учун тайёрлаб қўйган 71659 сўмлик 1377 кг металл чиқиндилари вилоят ИИБ ДАНБ ходими Ф. Раҳимов томонидан топилди ва божхона постига топширилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ўтказилган тадбир давомида учта ноқонуний қурол сақлаш ҳолатлари ҳам аниқланди, турли жиноятлар содир этиб, қидирувда бўлган олти шахс ушланди.

Вилоят худудида тадбир узлуксиз давом эттирилмоқда.

**А. ТОШМЕТОВ,**  
милиция подполковниги.

**ҚИСКА САТГЛАРДА**  
 САТГЛАРДА  
 ҚИСКА

## Хоразм вилояти ИИБ хабарлари

Урганч шаҳридаги Жайхун кўчасида яшовчи Бахтиёр Сапаровнинг уйига номаълум кимса уй эшигини бузиб, “ДЭУ” видеомагнитофони, 73 минг сўм пул ва кийим-кечакларни ўғирлаб кетди. Бахтиёр ака бироз ўзини йўқотиб қўйди. Бироқ акага сунячиқ бўлган кишилар ўғирлик ҳақида ички ишлар бўлимига зудлик билан хабар беришни маслаҳат берди. Шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари тезкор-тергов гуруҳини тузиб жиноятни очишга киришишди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида Урганч шаҳар Мустақиллик кўчасида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Отабек Абдужабаров дилилий ашёлар билан қўлга олинди.

\*\*\*

Ҳазораспик Шўхрат Солаев ҳам ўзини ўғирликда синаб кўрмоқчи бўлди. У шу жамоа ҳўжалигида яшовчи Ҳабибулла Одинаевнинг бир бош гунажинини ўғирлаб кетди. Тилсиз мол ким-

га ҳам арзини айтсин. Бир зўравон олдиға солиб қайдагандан кейин кетаверади-да. Бироқ, ўғрининг ови бароридан келмади. Мол эгалари гунажининг йўқ бўлиб қолганидан кейин уни излашга тушишишди. Излар эса тўғри Шўхрат Солаевнинг уйига бошлаб борди.

\*\*\*

Питнак шаҳар ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган “Арсенал” тадбири натижасида ўз уйида, ички ишлар бўлимида рўйхатда турмаган қуйидаги фуқароларнинг ов милтиқлари ноқонуний равишда сақланаётганлиги учун олиб қўйилди. “Ўзбекистон” жамоа ҳўжалигида яшовчи К. Аллаберганов, О. Сапаров, О. Рўзметовлар ИЖ-16 ТОЗ-16 русумли, 2 нилли ов милтиқларини қонунга хилоф равишда сақлашган. Бундан ташқари ўқлар ва бўш гильзалар ҳам олиб қўйилди.

**Мирза АБДУЛЛАЕВ.**

## САДОҚАТНИ КЎРГАНЛАР БОРМИ?

Бухоро вилояти ИИБ томонидан 2000 йил 12 апрель кунни тахминан соат 13ларда уйдан уйнаш учун кўчага чиқиб кетиб, ҳозирги кунга қадар қайтиб келмай бедарак йўқолган, *Ғиждувон тумани Кумработ қишлоғида яшовчи, 1991 йилда туғилган 34-соғли мактабнинг 1-синф ўқувчиси, Садоқат Фаттоева Шарипова қидирилмоқда.*

Белгилари: бўйи 100 см, ориқдан келган, сочлари 15–20 см, пешона қисми кесилган, малларанг, қош-

қўзлари қора, юзи, оғзи ва бурни ўртача, ўнг ёки чап қўл билан қисмида ит тишлагандан қолган оқиш чандиқлар бор.

Кийимлари: эғнида енгини узун, бели белбоғчали кўк кўйлак, кўк рангли лайло матосидан тикилган лозим кийим, бош ва оёқ кийимсиз бўлган.

Садоқат Шариповани кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



DUSHANBA 29

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлилнома».

8.40 «Ер ва дийр тароналари». Мусикий дастур. 9.10 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Сўзана ва чинни буюмлар».

12.05 «Соғлом авлод - бу бизнинг келажғимиз». Телевизион ўйини. 13.05 «Олам». Дам олиш кинодастури. 14.10 «Оталар чойхонаси». Мусикий дам олиш дастури.

16.55 «Адолат мезони». 17.10 Тошкентда Европа фильмлари фестивали.

17.35 «Сиз улари танийсиз». 18.10 «Тафсилот».

18.25 «Мумтоз наволар». А. Саидов. 18.50 «Бахтли воқеа».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 ЭЪЛОНЛАР. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот». 21.05 «Кўшиқ-ла ҳаёт гўзал». Мусикий дастур. 21.35 «Конун ва биз».

22.05 «Универсиада-2000» кундалиги. 22.20 «Маънавият» дастури.

23.05 «Живз ва Вустер». Телевизион премьераси. 12-қисм.

23.55 «Ахборот». 00.25 «Сени ҳеч қачон унутмайман». Бадий фильм.

1.45-1.50 Ватан тимсоллари. 9.00 «Давр тонги».

10.00 Кўрсатувлар дастури. 10.05 «Янги авлод»: «Оқ қабулар».

10.50 «Мухаббат қаҳваси». Телевизион сари. 11.35 «Жараён». Ҳуқуқий жамият сари.

12.00 «Ешлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. 13.30 «Худуд». Марғилон шахри.

14.00 «Даллас». Телевизион. 14.45 «Манзур». Телевизион. 15.05 «Жаҳон эстрада».

15.20 «Хавл». 15.40 «Ешлар» телеканалда спорт: Теннис. 16.40 «Мусикий лаҳзалар».

16.50 «Янги авлод»: «Дунё ва болалар». «Мульттомоша». 17.30 «Жаҳон жуғрофияси».

11.00 «Давр» ҳафта ичида. 11.40 «О, ёшлигим».

12.00 «Ешлар» телеканалда: «Спорт-2000». 12.50 «Мусикий лаҳзалар».

13.00 Баҳодир Йўлдошев театри: Делмар «Гариблар». 1-қисм.

14.15 «Олтин мерос». 14.30 Баҳодир Йўлдошев театри: Делмар «Гариблар». 2-қисм.

15.35 «Мусикий лаҳзалар». 15.45 «Ешлар» телеканалда: «Спорт-2000».

16.35 «Езги таътил». «Самовий саргузаштлар». Видеофильм. 1-қисм.

17.00 Кўрсатувлар дастури. 17.05 «Янги авлод»: «Мусиқа олами».

17.40 «Сурнай сеҳри». С. Қорабоев. 17.50 «Ёшлик баёзи».

17.55 «Жараён». Ҳуқуқий жамият сари. 18.10 «Мусикий лаҳзалар».

18.20 «Дастхат». 18.40 «Ёшлик наволари». 19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 «ТВ-анонс ва Эколаш». 19.35 «Хайр, мактаб».

19.45 «Душанба дастурдагилар ва бошқалар»: «Истеъдод-2000».

«Таквим». 20.15 «Бир ўлка-ки...». 20.35, 21.25, 22.30 Эълонлар.

20.40 «Ешлар» телеканалда намойиш этади: «Даллас». Телевизион. 21.30 «Огоҳлик».

21.50 «Мусикий лаҳзалар». 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 «Эколаш».

22.35 «Хон». Лайт тақдим этади: Автомобил ютуғи. 23.05 «Мухаббат қаҳваси».

23.50 «Ешлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. 00.00 «Давр». Ахборот дастури.

00.15 Интерфутбол. 1.35 «Шарқ эстрада».

1.50-1.55 «Тонг юдузи». 17.25 Кўрсатувлар дастури.

17.30 «Эхтиром ила...». 18.00, 21.00, 22.30, 23.40 «Пойтахт».

Ахборот кўрсатуви. 18.20 Телегазета «Экспресс».

18.45, 19.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 19.30 «Сен ҳақингда ва сен учун».

20.30 «Ёқимли оҳанглар». 20.40 «Телефакт».

21.20 «Сени излаб». Қисқа метражли бадий фильм. 22.00 Телегазета «Экспресс».

22.25 Оханглар ва эълонлар. 22.50 Телегазета «Экспресс».

23.55 «Ахборот». 00.25 «Сени ҳеч қачон унутмайман». Бадий фильм.

1.45-1.50 Ватан тимсоллари. 9.00 «Давр тонги».

10.00 Кўрсатувлар дастури. 10.05 «Янги авлод»: «Оқ қабулар».

22.50 ТТВда сериал: «Сув ости экспедицияси». 1-қисм.

00.00 «Хайрли тун, шахрим!» РЖТ 6.30-8.00

16.00-17.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ. ЎзТВ-IV

17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 Мультчархпалак. 17.20 «Комикслар йиғмаси».

17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 18.00 «Дил изхори».

РЖТ 18.45 «Тотли оғу». Сериал. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

20.00 «Время». 20.40 «Махфий ҳужжатлар». Сериал. 5.00, 6.00, 7.00, 8.00, 12.00, 16.00, 19.00, 22.00 — «Вести».

5.20 — 7.45 «Хайрли тонг, Россия!». 5.35, 7.35 — «Оилавий янгиликлар».

6.30 «РТР почтаси». 7.20, 23.00 — «Набатчи қисм».

8.40 «Спорт аренаси». Тележурнал. 9.15 «Лўли аёл». Телевизион.

10.05 «Санта-Барбара». Телевизион. 11.00 «Рус лотоси».

11.40, 15.40 — Мультфильмлар. 12.30 «Аёллар шахри».

13.05 «Кора марварид». Телевизион. 14.45 «Ер сайёраси».

16.30 «Минора». 16.55 «Чегарачилар кунига бағишланган шоҳ-қур». Дам олиш дастури.

19.40 «Еввойи фаришта». Телевизион. 20.40 «Фантазиялар ороли». Кўп серияли бадий фильм премьераси.

21.30 «Бемаъни рақслар». Телевизион. 22.30 Иван Шмелев хотирасига. «Само йўллари». Ҳужжатли фильм.

5.00 «Хайрли тонг!». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.55 — Янгиликлар.

8.15 Борис Андреев ва Николай Крючков «Максимка» фильмида. 9.35 «Смак».

9.55 «Мўҳижзалар майдони». 11.15 «Хайрли кун!».

12.15 Евгений Жариков ва Наталия Гвоздикова «Революция туфайли тугилган» сериалида. 1-серия.

22.00 Телегазета «Экспресс». 22.25 Оханглар ва эълонлар. 22.50 ТТВда сериал: «Машхур ва бадавлат одамлар».

23.55 «Хайрли тун, шахрим!» РЖТ 6.30-8.00

16.00-17.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ. ЎзТВ-IV

17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 Мультчархпалак. 17.20 «КВН сайёраси».

17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 18.00 «Дил изхори».

РЖТ 18.45 «Тотли оғу». Сериал. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

20.00 «Время». 20.50 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида». Болгар халқ миллий рақслари.

21.05 «Кино сайёраси». 21.25 «Дил изхори». 22.00 «Вести».

22.30 Кинематограф. Жон Траволта «Тасодиф» фильмида. 00.10 «Ахборот» (рус тилида).

Вилоят ҳокимлиги, жойлардаги ҳокимликларнинг ёрдами туфайли аксар маҳаллаларда "Маҳалла посбонлари" жамоа тузилмалари ташкил этилди. Шунинг қайд қилиш керакки, маҳалла посбонлари ёрдамида 140 та турли жиноятлар фoш этилган, шахсан улар томонидан 10 дан ортиқ жиноятлар очилган. Уларнинг иштирокида 653 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган.

Маълумотларга қараганда, 900 дан ортиқ посбон ойлик м а о ш л а р и олишмоқда. Албатта, улар катта куч, аммо бундан барча жойларда ҳам самарали фойдаланилапти, деб бўлмайди. Айрим маҳаллаларда посбонлар иши кўнгилдагидек ташкил этилмаган. Баъзи туманларда посбонларни танлашда эътиборсизликка йўл қўйилмоқда. Бу ишда жойлардаги маҳалла оқсоқоллари ва милиция участка вакиллари ҳамжиҳатликда иш олиб боришса, натижалар янада яхшиланиб борарди.

900 дан ортиқ посбон ойлик м а о ш л а р и олишмоқда.

Шунингдек, маърузачи шаҳарда, айниқса, кўп қаватли уйлarda тунги постларнинг ташкил этилиши халқ осойишталигини таъминлашдаги янги қадам бўлганлигини айтди.

Ҳа, маҳалла аҳолини маъна-

вий-маърифий тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, баркамол авлодни вояга етказиш, кишиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашда катта куч эканлигини унутмаслигимиз лозим. Тан олиш керакки, бу борада ўз ечимини топиши лозим бўлган муаммолар ҳам талайгина. Агар ўзаро ҳамкорлигимиз янада кучайтирилса, барча масалаларни ҳал этиш мумкин, бунга эса етарлича имкониятлар, шарт-шароитлар мавжуд.

**Ўз мухбиримиз.**

**Суратда:** йиғилишдан лавҳалар.



## ҒИЖДУВОНЛИК ПОСБОНЛАР ҲАМИША ҲУШЁР

— деди суҳбатдошимиз ва шу кунларда осойишталик посбонлари амалга ошираётган ишлар хусусида гапириб берди.

Шунинг айтиш лозимки, туманимиз ва Ғиждувон шаҳрида йиғирма саккизта фуқаролар йиғини ҳамда маҳаллалар мавжуд. У-астка нозирлари ана шу ҳудудларда турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни фoш этиш мақсадида фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла оқсоқоллари ҳамда жамоатчилик билан яқин алоқа ўрнатилган.

Кейинги пайтда аҳоли ўртасида етарли даражада тушунтириш ишлари олиб бориб, жиноят қилишга мойил ҳамда жазони ижро этиш муассасасидан қамоқ муддатини ўтаб қайтаётган шахслар билан яқин тартибда профилактик суҳбатлар ўтказиш бўйича йиғирлик қилиб, ашёвий далил билан қўлга тушган шахсларни айнан ўзлари яшаётган маҳаллаларда, кўпчи-

лик орасида муҳокама қилишни йўлга қўйдик. Бу ўз самарасини берапти, албатта. Масалан, 1998 йилда 101та ўғирлик содир этилган бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 79тани ташкил этди. 2000 йилнинг биринчи чораги давомида ҳам бундай жиноят ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча камайгани кузатилди.

Яна бир муҳим омилга тўхталмоқчиман. Турли жиноятларнинг олдини олишда маҳалла посбонлари кучидан фойдаланишга алоҳида эътибор бераёلمиз. Ҳозирда туманимизда 420 нафарга яқин кўмакчиларимиз фаоллик кўрсатмоқда. Катта ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилар, шунингдек жисмонан соғлом ва ақдан етук ёшлар участка нозирларига профилактик ишлар олиб бориш, жамоат тартибини сақлашга яқиндан ёрдам беришарди, тунлари навбат билан маҳаллаларда қоровуллик қилиб, осойишталикни таъминлашарди.

Ҳозирда ҳар бир участка нозирига туман ИИБнинг масъул раҳбарлари бириктириб қўйилган. Улар жамоа ҳўжаликлари, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари билан ишни ташкил этиш, аҳолидан тушаётган ариза ва шикоятлар бўйича тегишли чоралар кўришга бош-қош бўлмоқдалар.

Айни пайтда фуқаролар йи-

гинлари қошида фаолият кўрсатётган яраштириш комиссияларининг роли ҳам тобора ошиб борапти. Бирор оилада келишмовчилик келиб чиқса комиссия аъзолари жанжални имкони борида жойида бартараф этишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадда хонадонга ташриф буюриб, бу ердаги аҳвол билан яқиндан танишишади, суҳбат ўтказиб, аҳволни ўнглашади. Бу эса оила турмуши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг камайиб боришига олиб келмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимдек, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтаётган фуқароларга ҳокимликлар қошидаги кўнкама марказлари, меҳнат биржалари орқали моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳам диққат марказимизда. Улар қайта жиноят содир этмаслиги учун туман ички ишлар бўлимининг масъул раҳбарлари, хусусан ЖҚБ, ЖООБ, паспорт хизмати бошлиқлари иштирокида яқин тартибда суҳбат ўтказилапти. Шу тариқа ҳаётда бир янглишиб, эндиликда жамиятдан ўз ўрнини топишга интилаётган одамларни қийнаётган муаммолар аниқланиб, ишга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш, моддий ёрдам кўрсатиш каби масалалар ҳал этилапти.

Биз юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ҳамisha тинчлик ва осойишталикка эришиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни фoш этиш бўйича олдимизга қўйилган вазифаларни бажариш учун доимо ҳушёр бўлиб, имкониятларни ишга солаверамиз.

**О. МУҲАМЕДОВ,**  
Ғиждувон тумани  
ИИБ ЖООБ  
бошлиғи, милиция майори.

### Фахрийларимиз

## “ШОГИРДАРИМ СОЧИМДАН КЎП...”

Инсон ҳаётда ном қолдириб яшамоққа чоғланади. Ахир, умр деганлари шамолнинг бир қур эсиб тинишидай гап. Донулар айтганидек: "Дунёда икки сўз қолур абадий, ботирнинг шавкати, дононинг сўзи". Ҳақ сўз. Бу фoний оламда Искандардай жаҳонгирнинг икки қўли очик ўтганини эслаганимизда беихтиёр ўйга толасан. Ўз умрининг чироққа ураётган парвонадай ҳис этмоғинг табиий. Инсоннинг ҳаёти қуриш ва яратиш шавқидан янада масрур ва мазамунлидир. Ҳамма ҳам аллома бўлиб туғилмайди-да. Шундай экан, боғ яратиш ҳам, бино барпо этиш ҳам савобдир.

Рустам Ҳаққулов ота касбини этагидан тутганлардан. Отаси иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, узоқ йиллар ўтчириш соҳасида хизмат қилди. Олов аждаҳоси билан олишиш, уни тизгинлаш ва даф этиш ҳадисини ҳам отасидан ўрганди. Хизматни 1964 йили Свердловск шаҳридаги ўт ўчириш нозирлар тайёрлаш мактабини битиргандан кейин вилоят ёнгиндан сақлаш бўлимида оддий нозирликдан бошлади. 1968 йилда ишни Ғузур тумани ИИБ ёнгиндан сақлаш инспекциясида бош нозир бўлиб давом эттирди.

Чеккадан қараганда ўт ўчирувчилик енгил туюлса-да, аслида машаққатли касб. Ёнгин чиққан уй ичида қолиб кетган кишини кутқариш катта жасорат талаб қилади. Қўққисдан бино қўчиб тушиши мумкин ёки олов

ҳалқаси ўз гирдобида ютиб юборишига шак-шубҳа йўқ. Ўт ўчирувчи нафақат жисмонан бақувват, балки ҳар бир қалтис ҳаракатни олдиндан кўра билиши зарур. Ўлим билан юзма-юз бўлгандагина бу касб нақадар улуғлигини ҳис этасан қийиш. Айниқса, ўлим чангидан одамни кутқазганимизда ғурурингга ғурур қўшилади.

Рустам Ҳаққуловнинг хотира кўзгусидан бир воқеа сира ўчмайди. 1975 йили вилоят матлубот жамиятига қарашли базада катта ёнгин содир бўлди. Омборлардаги тез ёнувчан материалларнинг ловуллаб ёниши ўт ўчирувчиларни шу кунинг аччи шоширди. Рустам Ҳаққулов сардорлигидаги ўт ўчирувчилар туни билан олов аждаҳоси билан курашишди. Қўшни омборхоналар ёнгин ичида қолмаслиги учун химоялашни тушунган йиғитлар бир сония бўлсинки, вақтни беҳуда ўтказишмади. Зийраклик, ҳушёрлик ва юксак матонат туфайли қанчадан-қанча моддий товар бойликлари сақлаб қолинди. Йирик омборхоналар ёнгиндан шикаст емади. Рустам Ҳаққулов ҳам бир гуруҳ ходимлар қатори оловни тизгинлашдаги жасорати учун муносиб тақдирланди.

Ўттиз йил бир касбини этагидан тутган Р. Ҳаққулов ички ишлар аълочилиги бўлди, 1, 2, 3-даражали "Бенуқсон хизматлари учун" медали билан тақдирланди. Неча йилларки, ёнгиндан сақлаш бўлими хурмат тахтасидан тушган эмас.

Ҳаётнинг давомийлиги инсон умрининг мазмуни билан янада маҳобатлидир. Ўт ўчирувчилик сулоласининг вакили Рустам ака ўз хизмат вазифасини доимо шараф билан урдалаб келганлардан. Хизмат йилларида ҳар бир хонадонда тарғибот ва ташвиқот ишларини юритиб, ёнгин чиқиш ҳолатининг олдини олишда фидойилик кўрсатиб келди. Турли лавозимларда ишлашига қарамай ўз касбига сидқидилдан ёндошди. Тажрибасини ёшлар билан ўртоқлашиб келди. Рустам ака ҳазилмомуз қулиб: "Шогирдларим сочимдан кўп. Илойим, барчаси омон бўлсин" дейди. У киши 1994 йилда ички хизмат майори унвони билан нафақага чиқди.

Рустам аканинг 4 нафар фарзанди бор. Ўғли Отабек ота изидан бориб, ҳозирги кунда 5-сонли ўт ўчириш қисмида хизматни давом эттирмоқда, ички хизмат кичик сержанти.

Рустам Ҳаққулов нафақада бўлишича қарамай шу кунларда Қарши шаҳридаги 16-сонли ихтисослаштирилган ўт ўчириш қисмини бошқармоқда. Ёшларга ёнгиннинг олдини олиш бўйича суҳбатлар ўтказиб туради.

Инсон меҳнати билан эл назарига тушади, хурмат обрў қозонади. Олтмиш ёшга қаршилаётган Рустам ака ҳам ана шундай элда иззат-икромга эга инсонлардан биридир.

**Илҳом ТУРСУНОВ,**  
ички хизмат майори.

## ҚИДИРИЛМОҚДА

Пешку тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.

**Тўлқин Бахронов,** 1973 йилда туғилган, миллати ўзбек, Пешку тумани Янгибозор кўрғонида яшаган.



**Белгилари:** бўйи 165-170 см, ўртача гавдали, қошлари сочи ва кўзи қора.

**Ўткир Ҳамдамов** 1968 йилда туғилган, миллати ўзбек, Пешку тумани Янгибод жамоа ҳўжалиги Урганжи қишлоғида яшаган.



**Белгилари:** бўйи 170-175 см., юзи думалоқ, сариқдан келган, сочи сариқроқ калта, қошлари қалинроқ, сарғиш рангда.

Фурқат тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.



**Кимсанобод қишлоғида яшаб келган 1971 йилда туғилган Убайдулло Йўлбарсович Чўғибоев**

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, ўртача гавдали, сочлари калта қора, кулоқлари катта.



**Нўзмонжон Аҳмедов,** 1954 йилда туғилган.

**Белгилари:** бўйи 175-180 см, ўртача гавда тузилишида, пешонаси кенг, врач, кишилар ишончига тез кира олади.



**Катта-янги қишлоғида яшаб келган, 1968 йилда туғилган Дилшод Алижонович Эргашев**

**Белгилари:** бўйи 175-180 см, сочи сарғиш калта, қошлари ёйсимон, кўзлари кўк, кўринишидан Европа миллатига ўхшатиш мумкин.

Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган-билганлар яқин ўртадаги милиция бўлинмасига хабар беришларини сўраймиз.

2000 йил – Соғлом авлод йили

# БОЛА ТАРБИЯСИ – НОЗИК САЊЪАТ

11-17 ёшлар оралигида бола балоғатга ета бошлайди. Бу давр бола тарбиясида энг масъулиятли даврдир.

Ташқи белгиларга қараб ҳам бу давр бошланганини билиб олиш мумкин. Ўғил болалинг овози йўғонлашади, мўйлаби сабза уради, юзига хуснбузарлар тошади.

Қиз болада ҳайз кўриш бошланади, у арзимас нарсаларга аччиқланадиган, хаёлчан бўлиб қолади. У ҳолсизланиши, боши оғриши, қорин пастиди, белида оғриқ аломатларини сезиши мумкин.

Она бу ўзгаришлардан сезгирлик билан хабардор бўлиб, қизига ёрдам-маслаҳат бериши керак.

Балоғатга етаётган қиз бола қиш кунлари иссиқ кийиниши, зарур бўлганда шифокор хулосасига кўра жисмоний тарбия машғулотларидан озод қилиниши керак.

Айниқса, бу даврда ота-она ўғил-қизига ширинсўзлик билан муомала қилиши, ўларга ҳаддан ташқари қатикқўл бўлмаслиги, фарзандларини жеркиб-силтамаслиги, алдамаслиги, урмаслиги лозим.

Болаларнинг меҳнатга муҳаббат қўйиши уйдан бошланади. Уларнинг уй-рўзғор ишларида ўз ўрни бўлиши лозим. Қиз болани уй йиғиштириш, пазандаликка ўргата бориш керак.

Ўғил болага эса кундалик егуликларни харид қилиш, ҳовлида яшайдиган бўлса ер чопиш каби ишларни буюриш керак. Ана шу даврда қиз бола уй бекаси, ўғил бола рўзғор боши сифатида ўзини ҳис қилишни бошлаши керак.

Ота-она фарзандларининг ишини кузатиб бориши, кам-

чиликларини юмшоқлик билан тушунтириши керак.

Азиз муштарий! Билганларимни кўлимдан келганча баён этдим. Ҳаёт биз орттирган тажрибадан ҳам кенг. Муҳими, ҳар биримиз фарзанд тарбиясига ҳафсала билан ёндошсак, яна нималарга эътибор бериш зарурлигини ҳаётнинг ўзи аён қилади.

Имоним комилки, фарзандингиз туғилганидан то 17 га тўлгунича уни кунт билан, меҳр билан тарбия қилсангиз, худодан унга инсоф-тавфиқ сўрасангиз, иншооллох ниятингизга етасиз. Ҳаётингизнинг охиригача болаларингизнинг роҳатини кўрасиз.

**Абдусаттор АБДУРАҲИМОВ,**  
нафақадаги шифокор.

## Миннатдорчилик

1999 йил 30 январга ўтар кечаси юзларига ниқоб кийиб олган 3 нафар номаълум шахс уйимизга бостириб кириб, пул ва тилла тақинчоқлар талаб қилишди. Уртада кураш бошланди. Шовқиндан уйғониб кетган қизим дарҳол ҳовлидаги дарча орқали чиқиб қўни-қўшниларга хабар берди ва кимдир "02" га қўнғироқ қилди. Аммо босқинчилар

# ИЗҚУВАРЛАРДАН МАМНУНМИЗ!

ўзлари билан 55 минг сўмни ўмариб, қочиб кетишга улгурдилар.

Ёрдамга етиб келган Андижон тумани ИИБ ЖКБ катта тезкор вакили, милиция капитани Одилжон Юлдашев, тезкор вакил, милиция катта лейтенанти Бахтиёр Исмоилов ва тезкор ва-

кил милиция лейтенанти Улғубек Холиқовлар жонимга оро киришади.

Улар олиб борган тезкор қидирувлари натижасида жиноятчиларнинг бири қўлга тушди ва ушбу жиноят тез кунда очилди.

Кеч бўлсада, оиламиз номидан юқорида номлари қайд

этилган осойишталик побонларига ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчиман. Уларнинг машаққатли хизматларида муваффақият, оилавий бахт-саодат тилайман.

Андижон тумани,  
Гумбаз маҳалласида яшовчи  
**Каримовлар оиласи.**

## «РОССИЯ»ДАГИ ЎФРИЛИК

Яккасарой туманида истиқомат қилувчи А. С.ни "қўй оғзидан чўп олмаган" одам деб таърифлашарди. Аммо кўза кунда синади деганлари рост экан. А. С.нинг ҳам кўзаси 20 апрель кун эрталаб соат 5.00ларга яқин "синди". У ҳар кун пойтхатимиздаги "Россия" меҳмонхонасига икки маҳалдан нон сотиб кетарди. Унинг меҳмонхонани нон билан таъминлаётганини кўрган қоровул ва бошқа ходимлар меҳнатсевар ва софдиллигига ишонч ҳосил қилишди.

Буни қарангки, орадан кўп вақт ўтмай А. С. бу ердаги аҳволни тўлиқ ўрганиб, қаердан кириб-чиқишни ва нималарни ўғирлашни режалаштириб қўйган экан.

Яхшиямки, Яккасарой тумани ИИБ ЖООБ ходимлари, милиция лейтенанти Баҳодир Каримов ва милиция старшинаси Ўроз Қалқоновлар зийраклик кўрсатишди. Эрталаб соат 5.00 лар атрофида улар аравачага кўрпаларни ортиб кетаётган кимсани кўриб шубҳаландилар. Шу боис, ундан тўхташни илтимос қилишди. А. С. буни кутмаган экан, шекилли, сочи тикка бўлганча, аравачани ташлаб қоча бошлади.

Милиция ходимларининг чаққонлиги иш бериб унга етиб олиши ва шу зайдда ўғри қўлга олинди.

Тергов давомида А. С. тунда "Совпластитал" корхонасида ишлаб чиқарилган елим жамламаси ва тўртта кўрпачани меҳмонхона ортидаги панжара орқали олиб ўтганлиги ва аравада бирма-бир ташиётганлиги аниқланди.

А. С. нинг айтишича, икки ҳафтадан кейин тўйи бўлиши керак. Уйланаётган йигит бўлажак келинга ана шу ўмарилган буюмларни совға қилмоқчи экан. Бундай совға катта умидлар билан бир ёстиққа бош қўяётган ёшларнинг ҳаётига кўркамлик бахш этмаслиги ҳақида ўйлаб кўрдимикан?

**Жамшид ҒОИПОВ.**

## ЁН ҚЎШНИ... ФИҒОН ҚЎШНИ

Зера опанинг уйдан бурқсиб чиқаётган тутунни кўрган қўшнилари зудлик билан аввал ўт ўчирувчиларга, кейин ички ишлар бўлимига қўнғироқ қилишади. Воқеа жойига етиб келган ходимлар уй эгаси Воитованинг кучли тан жароҳати олганлигини ва унинг ҳаёти хавф остидалигини кўриб, дарҳол касалхонага ётқизишади.

Ёнғин ўчирилгач, Самарқанд вилояти ИИБ ЖКБ ходимлари милиция полковниги А. Аббосов, милиция подполковниги Б. Раҳматов, милиция майорлари Т. Маждов ва И. Алимовлардан тузилган тезкор-тергов гуруҳи жиноят тафсилотларини текшира бошлайдилар. Воитованинг танишлари, у билан алоқада бўлган шахслар чуқур текширилади. Афсуски, жабрланувчининг ўзи ҳушига келмасдан вафот этади. Унинг

қизи эса шу кун бозорга чиққанлиги, келгунича жиноят содир этилганлигини айтиб эзиларди.

Тезкор-тергов гуруҳи бўлиб ўтган жиноятни иссиқ изидан очинишга эришди. Маълум бўлишича, З. Воитова шу кун ҳар кунгидек уй юмушлари билан банд бўлган, қизи бозорга чиқиб кетганда ён қўшниси ҳеч қаерда ишламайдиган А. Ринат келади. Ринат аввал Воитовадан қарзга пул сўрайди, аммо қўшниси кўнмагач, қўлидаги темир бўлаги билан Воитованинг бошига уради. Аёл ҳушидан кетгач, Ринат ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб пулларни излаб топиб, жиноят изини яшириш мақсадида уйга ўт қўйиб кетади.

**Меҳри АБДУРАҲИМОВА,**  
милиция старшинаси.

## "ҚОВУН" ТУШИРГАН ЙИГИТ

Андижон вилояти "Маданият" божхона пости инспектор-кинолога Файратбек Юлдашев қандай қилиб "қовун" тушириб қўйганлигини ўзи ҳам билмай қолди. У ўз вазифасини бажараётганда хизмат бурчи туфайли Шаҳрихон туманида яшовчи А. Қирғизбоевга тегишли бўлган автомобилани текширишига тўғри келди. Хужжатларда расмийлаштирилишича, ушбу автомобилда 19.200 кг қовун Хитой халқ республикасига олиб кетилаётган эди. Ф. Юлдашев хужжатларни текширишда, ҳайдовчига хитойликларга салом айтишини тайинлаб, "оқ йўл" тилади. Автоматини Қирғизистон республикасининг "Торугарт" божхона постида назорат қилинганда эса унда қовун эмас, балки... 7860 кг миқдорда пилла маҳсулоти олиб кетилаётганлиги маълум бўлди.

Файратбек Юлдашев юқоридаги воқеа тафсилоти билан танишгач, қўлидаги "қовун"ни тушириб юборганлигини англади. Начора, у ҳам ўз вазифасига бефарқ қараганлиги учун қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди.

Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи, 1974 йилда туғилган Шухрат Соибов талончиликда устаси фаранг бўлиб қолган эди. У фаолияти илдишларини кенг ёйиш мақсадида атрофига шериклар жалб қилишга эҳтиёж сезди. Ана шу мақсадлар ила Д. Юнусов, К. Қосимов, Б. Холжўаев ва Е. Гаррлардан иборат жиноий гуруҳ тузди. Навбатдаги талончиликни режалаштириш чоғида Д. Юнусовнинг фикри ҳаммага мақбул бўлди. Режага кўра Шаҳрихон туманида истиқомат қилувчи Исмоил Эшоновга Шухрат Соибов "донғи кетган долларфуруш" сифатида та-

## ҚОНУННИ БИЛМАСЛИК – ЖИНОЯТ

Кейинги пайтларда талончилик фаолияти кенг қулоқ ёймоқда. Бу қовунарли, албатта. Бироқ, ана шу қорхона раҳбарлари қонунни, ўз ҳуқуқини, хужжат ишларини тўла биладиларми? Албатта, "ҳаммаси ҳам билалади" дея олмаймиз. Улар орасида айримлар бу борада ҳеч қандай малакага эга бўлмай туриб қорхона фаолиятига асос солмоқдалар.

Ана шундай шахслардан бири ҳиссадорлик сугурта компаниясининг Андижон вилояти филиали бошлиғи Раҳим Ҳошимов ўз ҳуқуқлари доирасида хизмат қилганида эди бугун жазони ўташ муассасасида

## ДОЛЛАРФУРУШ ҚИСМАТИ

ништирилди. Кўп миқдордаги долларларни арзон нархда алмаштириб беришларини айтганларида И. Эшонов хурсанд бўлди. Чунки, бу таклиф анчагина даромад ишлаб олиш имконини бераётган эди. Хуллас, доллар алмаштириш мақсадида у ўз автомашинасида жиноятчи йигитларга шерик бўлиб, Қоратепа қишлоғи бўйлаб йўл олди. Йигитлар йўлда машинани тўхташтириш буюрди. Машина тўхташи билан Евгений Гарр Исмоил Эшоновни буга бошлади. Шунда у бу йигитлар долларфуруш эмас, балки

талончилигини англайди. Йигитлар эса уни пастга олиб тушадилар ва дўппослаб, ёнида бўлган 95.000 сўм пулини тортиб оладилар. Марғилон шаҳрида ана шу пулга турли нарсалар харид қилиб, эртаси кун Тошкентга йўл олиш маънасини қиладилар. Бироқ, бузоқнинг югурган сомонхонагача эканлигини унутадилар.

Оралдан ҳеч қанча вақт ўтмай жиноятчи йигитлар Исмоил Эшоновга моддий зарар етказганликда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Ўзлаштириб юборади. Ваҳоланки, компаниянинг ҳеч қандай биноси бўлган эмас. Бундан ташқари сохта хужжатлар асосида турли савдо ишларини ташкил этади, фарзандлари номига ойлик маош тайинлайди. Бир сўз билан айтганда, қонун доирасидан мутлақо четга чиқиб кетади. Қинғир ишнинг қийини қирқ йилдан сўнг ҳам чиқишини ўйлаб кўрмайди.

Шу ўринда фикр туғилади. Агар у қонунни билганида, жиноятга қўл урмаган бўларди. Чунки қонунни билган одам ҳеч қачон унга хиёнат қилишга ботинолмайдди. Демак, қонунни билмаслик ҳам жиноятдир.

**Саминжон ҲУСАНЗОДА.**

## ҚИДИРИЛМОҚДА

Андижон шаҳар ИИБ томонидан Шарипжон Солихўжаев жиноят содир этиб терговдан яшириниб юрганлиги учун қидирилмоқда. У 1956 йилда туғилган, Андижон вилояти, Олтинқўл тумани, Долвазин қишлоғи, Яккатепа кўчаси, 47-уйда яшаган. **Белгилари:** бўйи 165-167 см, озгинроқ, юзи чўзиқ қорачадан келган, лаби қалин оқ доғлари бор, қоши қора қалин туташган, сочиға оқ оралаган узунлиги 5-6 см, жагининг

тепа қисми чап томонидан 3та тиши йўқ. **Кийимлари:** эғнида қора костюм-шим, оқ энги узун кўйлак, оёғида резина шиппак бўлган.

**Ш. Солихўжаевни кўрган-билганлар яқин орадаги милиция бўлимига ёки Андижон шаҳар ИИБга маълум қилишларини сўраймиз.**

**Ишонч тел: 24-47-20, 22-13-38, 22-15-26, 24-30-39 ёки 02.**



**Одамлар ҳар хил бўлади: бири унча-мунчага аҳамият бермайди, яна бири ҳар қадамда теварак-атрофни кузатиб, эслаб қоладиган, яна бировлар ўзи аслида оддий ишчи ёки хизматчи бўлса-да, уста изкуварлардан қолишмайди. Хуллас, ҳаммининг феъл-атвори турлича, ўзига хосдир.**

... Бир-бирига елка тираган-дек виқор билан кўкка бўй чўзиб турган салобатли уйлاردан бирининг томида гўжгон ўйнаётган қарға-ю ўлимтикка ўч қушларнинг чуғур-чуғури кўпроқ кимнинг диққатини ўзига тортди, бу хушёр изкувар ким – айтмайлик-да, томнинг тепасида қазоси етган инсон фарзандининг кимлиги, ерда жой етмагандек қандай қилиб бу жойга чиқиб қолганини суриштириб кўрайлик.

Лида Яковлевна жонини кўп-да койитмайдиган, бировлар ҳисобига еб-ичишни ёқтирадиган хушрўйгина жувон. У турмуш қуришда ҳам бошини оғритиб ўтиргани йўқ; кўнглига "ўтиришиб" қолган "ошна"-ларидан бири – Рифқат ўз-ўзидан унинг "умр йўлдоши"га айланди ва тинчгина бирга яшай-вердилар. Рифқат "аёли"нинг феъл-атвори билгани учун унча-мунчага феъл-атвори торлик қилмас, ишқилиб, тунашга жойи, иссиқ ўрни борлигидан кўнгли тўқ эди. Шунинг учун "рафика"си бошлаб келган унча-мунча эр-кақларга ҳам танишларидан биридир-да деган маънода қарарди. Лида Яковлевнанинг бу галги "таниши" Рифқатнинг бошига бало бўлишини ким билибди дейсиз.

... Яқшанба куни бўлгани боис "дом"ларнинг атрофида одам гавжум: кимлардир қўлбола ёғоч столга мук тушиб нар-

да, домино ўйнайди, кимлардир шунчаки, суҳбатлашиб ўтирибди. Кечки соат 19-20ларда ана шу гавжум жойга келган Сиддик Холов (исм-фамилия-

лар ўзгартирилган) таниши бўлмиш Лидани учратиб қолди. Улар бироз суҳбатлашиш-гач:

– Бир "стаканчик" ароқ олиб берсанг-чи? – деди Лида.  
– Пулим камроқ, етмайди, – жавоб берди Сиддик.

– Ароқни мен оламан, – гапга аралашди ёғоч ўриндиқнинг нариги четидан зимдан гапга кулоқ солиб ўтирган йигит. – Менда спирт бор, ичасизлар-ми?

Шу гап баҳона, танишдилар. Ўзини Жалил деб таништирган йигит шу бугун Қозоғистондан келганини айтиб, сумкасидаги спиртдан учовларига тенг миқдорда куйди. Танишганлари учун ичдилар. Кейинги қаҳдан сўнг қадрдонга айланган учовлон Лиданинг уйига бориб, маишатни давом эттирадиган бўлдилар. Фақат бир шарт, Лида Яковлевна Жалилга ҳам бир "қиз" топиб берадиган бўлди.

Учовлон чайқалиб уйга келишса, Лиданинг никоҳсиз эри Рифқат бемалол ўтирибди! Ул-фатчилик давом этаверди. Жалилнинг пулига олинган ароқ ва егуликлар тугади. Орада Жалил ваннага кириб, ювиниб чиқди. Қарасаки Лида ваъда қилган "қиз"дан дарак йўқ. Жалилнинг алами келди ва Лидадан ваъда қилган "нарса"ларини талаб қила бошлади. Натижада уларнинг ораларида жанжал чиқди.

кетди. Мен ўзимни ҳимоя қилиш учун ўша ерда ётган бетон парчасини олиб, бир неча марта Жалилнинг дуч келган жойига урдим. У йиқилиб қолди. Мен уни ётган жойида қолдириб, уйга кетдим. Икки кундан кейин мени одам ўлдир-ишда айблашди.

Қарангки, "йўлда топишган йўлдош бўлмайди" деганларидек, бир-бири билан кўчада танишиб, ким-кимлигини

инсон хотираси ўзининг фойдасига ҳамма нарсани эслаб қолса-ю, бошқа томондан "билмайман, эслолмайман" деб тураверса?!

"Менинг эҳтиётсизлик оқибатида одам ўлдириб қўйганимни, кекса ота-онам, ишла-майдиган хотиним ва иккита ёш болам борлигини инobatга олиб, менга енгилроқ жазо бе-ришларингизни илтимос қила-ман", – дейди судда С. Холов илтижо билан. Лекин яна савол тугилади: кекса ота-онаси, ой-дек рафикаси, иккита норасида фарзанди бор ота кеч соат 19-20ларда бировнинг уйига бориб ичкилик ичгани етмагандек, у ердан чиққандан кейин, кечаси том-

лишган эди. Светлана хуштори-нинг уйига келгач, ундан пиво олиб келишни сўради. Алексей дўқондан қайтгунча дастурхон тузаб, кечки овқатни иситди. Алексейга аталган идишидаги овқатга эса кучли психотроп дори солди.

Уй эгаси ўзига аталган овқатнинг ярмини ҳам еб улгур-май, қаттиқ уйкуга кетди. Бундан фойдаланган меҳмон хо-ним уй эгасининг аввалдан кўз остига олганлари – умумий миқдори икки миллион сўмдан ортик бўлган мол-мулкни йи-гиштириб, уй эгасининг заҳар-ланиб ўлишини кўзда тугган ҳолда ошхонадаги газ плитаси-нинг тўртта жўмрагини очиб қолдирди ва уй эшигини қулф-

# ТОМДАГИ МУРДА

## ЁКИ

### ЎЙЛАМАЙ БОСИЛГАН ҚАДАМ

Икковини Рифқат ва Сиддик тинчлантир-гач, Лида билан Жа-лил ётоқхонага ки-риб "гаплашиб" чиқдилар. Шун-дан кейин Жалил кетиш тарад-дудига тушди...

– Жалил, Рифқат ва мен кўча-га чиқдик, – дея кўргазма бера-ди Сиддик. – Рифқат бизни ку-затгач, уйига қайтиб кетди. Жа-лил яна иккита ароқ ва егулик олди. Биз, нима учун билмай-ман, чамаси кайф билан тўққиз қаватли уйнинг томига чиқиб ўтириб, ароқларни ичдик.

– Сенлар нима учун мени алдадиларинг? – дея бирдан жанжал бошлади Жалил. – Ме-нинг пулларимга еб-ичиб, яна қолган пулимни ҳам олиб қўйибсанлар. Нега мени ўша уйга олиб бордиларинг? Нега Лида чўнтагимдаги пулларни олиб қўйди? Мен энди нима қиламан? – У шундай дея шахт билан ўрнидан туриб, мени ура

дурустроқ билишга ҳам улгур-маган бу "улфатлар"нинг бо-шидан кечган бир неча соат-лик можаролар давомида охи-роқибат бир инсон ваҳшийлар-ча ўлдирилган. Она заминда жой етмагандек тўққиз қават-ли уйнинг томига чиқиб маи-шат қилган бу шахсларда на одамгарчилик, на ор-номус, на меҳмондорчилик қонун-қоида-ларидан нишона бўлганини кўриб турибсиз. Бундан таш-қари Жалилни у бормоқчи бўлган уйга, хонадонга эмас, томга бошлаган Сиддик ўзини ўша пайтда қаттиқ маст бўл-ганини, нима сабабдан шундай қилганини изоҳлаб беролмаган-ни ҳолда "ўзини ҳимоя қилиш учун" Жалилни бетон бўлаги билан бир неча марта уриб, қулатганини эслайди. Наҳотки,

да нима қилиб юрибди?

Хуллас, ўйламай қўйилган биргина қадамнинг оқибати фожиали бўлди: Сиддик ўзи тузукроқ танишга ҳам улгурма-ган танишининг уйига келган Жалилни уриб ўлдирди. Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Кекса ота-онасининг қаддини букиб, ўзининг, фар-зандларининг келажагига бол-та урди. Ўйламай босилган қадам ана шундай яқун топди.

Гап инсоннинг ўйламай бо-силган қадами ҳақида кетган-да яна бир мисол келтиришни лозим топдик.

Яқиндагина жинояти учун қамалиб қўнган Р. Светлана "ўрнган қўнғил..." қабилда иш тутди. У таниши Л. Алексей билан кеч соат тўққиз яримлар-да унинг уйида учрашишга ке-

лаб, калитларини олиб, жўнаб қолди. Бироқ Р. Светлана кут-ганидек, Л. Алексей газдан за-ҳарланиб ўлмади тасодиф бил-лан тирик қолди. Ва табиий, ўзини шу аҳволга солиб, уйи-ни "супуриб" кетган аёлнинг кимлигини айтди...

Иккала воқеада ҳам аёл ки-шининг енгилтақлик билан бо-сан қадами оқибатида юз бер-ган жиноятларни кўрдик. Де-мак, дуч келган билан танишиб, унинг кимлигини тузукроқ бил-май апоқ-чапоқ бўлиб кетаве-ришнинг ҳам хосияти йўқ экан, яъни "ўзинга эҳтиёт бўл, кўшнингни ўғри тутма" деб бежиз айтилмаган экан.

**В. МАДАМИНОВ,**  
М. Улғабек тумани  
прокуратураси  
катта терговчиси.

### Жиноят-қидирув хизмати воқеалари



Дилшоднинг жиноят содир этиб қочиб юрганига икки йилдан ошганди. Маълумотларга кўра у аслида ана шу уйда яшар экану, лекин шаҳарда отасининг уйида рўйхатда тураркан. Бундан хабар топганимиздан кейин у ерга уч-тўрт марта бордик. Натижа бўлмади. Ҳар сафар хотини унинг изсиз кетганини важ қиларди. Аниқ маълумотларга асосланиб яна бордик. Бизнинг келишимиздан хабар топганми ёки таҳликада яшаш одат тусига кирганми ҳар ҳолда эшикни тақиллатганимиздан кейин дарвозахонада ўйнаб юрган болаларнинг овози ҳам эшитилмай қолди ва бир пасда ҳаммаёқ сув қуйгандай жимиб қолди. Орадан беш дақиқалар ўтиб, хотини эшикни очди. Муддаомизни эшитганидан кейин ҳеч қандай қаршиликсиз уйига бошлади ва йўл-йўлакай:

– Шунча қидириб зерикмадингларми, тирик бўлган-да келарди. Икки йилдан бери йўқку, болаларни ўзим боқаяпман. Ота-онаси билмайди қаердалигини, яхшиям шу уйни қуриб олган эканмиз, бўлмаса бир этак бола билан кўчада қоларканман, – деди.

Аввал уйлари текшириб чиқдик. Ётоқхонага ўтганимиздан кейин аёлнинг ранги ўзгаргандай бўлди. Каравотларни ўрнидан сал қўзғатганим, улардан бири галати қимирлади.

Аёлга қараган эдим, унинг кўзлари кўркувдан галати бўлиб кетди ва тезда ўзини қўлга олиб:

– Бу каравотимиз... автомат, сал тегсангиз қимир-лаб туради, – деди.

Мен каравотни яна қаттиқроқ қимирлатдим-да, ус-тидаги тўшакни олиб ташладим. У энди росмана қимир-лади. Кейин тагидаги фанерни олганим ичида яна тўшак бор экан. Уни кўтарганимда, иссиқдан бўғриқ-қан Дилшод кўзини юмганча оғир-оғир нафас олиб ётарди...

**Мақсуд ЖУМАТОВ,**  
С. Раҳимов тумани ИИБ ЖҚБ ходими,  
милиция капитани.

Бугун мактабларда сўнгги кўнғироқ чалинди. Бола-жонлар жонажон мактаблари билан хайрлашиб, ёзги таътилга чиқдилар. Сўлим ва хушхаво табиат қўйнига, дам олиш оромгоҳларига ошиқётган ўқувчиларнинг эса қувончлари чексиз. Уларни интизорлик билан ку-таётган дам олиш масканлари тезда болажонларимиз-нинг шўх ўйин-кулчулари, хурсандчилик-лари-ю шодон қийқириқларига тўлиб иш фаолиятларини бошлаб юбо-ришади... Яна гулханлар ёқила-ди.

Оромгоҳ маъмурияти ўқув-чиларни яхши яшашлари, кўнғилли ҳордиқ чиқаришлар-и ҳамда чиниқиб соғлиқлари-ни мустаҳкамлашлари учун барча шарт-шароит яратиб бе-рибгина қолмасдан дам олиш даврида кўнғилсиз ҳоди-салар бўлмаслигини ҳам таъминлайдилар. Албатта, ҳар бир оромгоҳ раҳбар-лари мавсум бошлангунга қадар ўқувчиларни қабул қилиш учун пухта тайёргарлик кўрадилар. Шу тайёр-гарлик даврида бир муҳим тадбир, ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларни ҳам амалга ошириш катта аҳами-ят талаб қилади, чунки болаларимизни оловнинг тур-ли салбий оқибатларидан асраб-авайлаб ўз уйларига соғ-саломат кузатиб қўйишга биз катталар масъулмиз.

Мавжуд электр сим ва кабелларнинг ҳимоя қобиқ-лари электр токига қарашлик даражаси синовидан ўтказилиши, носоз электр ўтказгичлар, кабель, чироқлар-ни ёқиш ҳамда бошқа электр манбаалари созларига, янғисига алмаштирилиши керак.

Дам олиш мавсуми гулхан ёқишларсиз ўтмайди ал-батта. Гулхан ёқиладиган майдон учун танланган жой

бинолардан узоқроқда бўлиши ва атроф қуруқ хашак, ёнувчи материаллардан тозаланган бўлиши, ҳар томон-лама хавфсиз жойда бўлиши керак.

Оромгоҳларда дастлабки ўт ўчириш воситалари, сув билан тўлдирилган бочкалар, қумли қутилар ва белку-рак ҳамда челақлар билан жиҳозланган ўт ўчириш по-стлари ташкиллаштирилиши лозим. Ўт ўчи-риш қисми ёки кўнғилли ўт ўчириш дружиналарини чақириш учун эса оромгоҳларда телефон ёки радио алоқаси ўрнатилиши керак. Оромгоҳ биноларининг ёнувчан ёғоч қисмлари махсус кимёвий суюқлик билан қайта ишланиб тез ёниш хусусияти пасайти-рилган бўлиши керак.

Бундан ташқари болалар оромгоҳларида тарбиячи, ишчи-хизматчилар ёнғин чиққанда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини, бир-ламчи ўт ўчириш восита-ларидан фойдаланиш усулларини мукамал билишлар-и керак бўлади. Оромгоҳ раҳбарияти ва тарбиячилари болаларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатларидан бохабар бўлиб, уларнинг оловли ўйинчоқлар ўйнамасликларини, гугурт ёқмасликларини тушунтириш ишлари даво-мида эслатиб туришлари керак. Бу ишларни амалга оши-ришда жойлардаги маҳаллий ёнғин назорати ходимлар-и кенг ёрдам берадилар.

Мана шундай тадбирлар амалга оширилса ва мавсум давомида унга риоя қилинса болаларимизнинг ёзги дам олиш мавсумини кўнғилдагидек ўтказган бўлар эдик.

**Форуза САЪДУЛЛАЕВА,**  
Рамзиддин АСЛОНОВ.

### ДИҚҚАТ, ФИРИБГАР!



Сиз суратда кўриб турган **Тоҳиржон Маматурдиев** 1961 йилда туғилган. У "То-хир Мирзо" тахаллуси билан ўзини шоир, академик, Ўш шаҳридаги ўзбек-қирғиз уни-верситетининг Тошкент бўли-ми ректориман, деб таниш-тирган. Алдов йўли билан сохта ҳужжат кўрсатиб, ўқиш-га кириш истаги бўлган ёшлар ва уларнинг ота-она-ларини лақиллатиб, 1997/98

ўқув йилидан контракт асоси-да талабаларни "қабул қилиб", шунинг эвазига олган пулларни ўзлаштириб юбор-ган.

Фирибгарлик жиноятини содир этиб, фуқароларнинг кўп миқдордаги пулини ўзлаштирган Т. Маматурдиев Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 168-мод-даси, 4-қисми, "а" банди асо-сида 2000 йил 19 апрель куни қамоққа олинди. Ҳозирда тер-гов ҳаракатлари олиб бори-ляпти.

Собир Раҳимов тумани ИИБ тергов бўлими Т. Ма-матурдиев томонидан ал-данган, сохта ўқишга кириб қолган ва шу кунгача ўзини талаба деб ҳисоблаб юрган шахслар ва уларнинг ота-оналарини қуйидаги ман-зилга келишларини сўрай-миз: **Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Сағбон Кўчаси, 363-уй. Абдулла Набиев бекати, туман ИИБ.**

Тел: 46-53-62,  
48-22-60.

# КРОССВОРД


## Энига:

- Африкадаги давлат.
- Жўхорининг эртапишар тури.
- Кўй подаси сақланадиган жой.
- Хитойдаги шаҳар.
- Сартарошлар асбоби.
- Аждодлардан қолган мулк.
- Қовун нави.
- Дўппи тури.
- Пати чиқмаган қуш боласи.
- Илмли, улуғ одам.
- Хоразмлик мумтоз шоир.
- Дуралгор устанинг иш маҳсули.
- Сайроқи қуш.
- Жой номининг қўлланилиши.
- Болтиқ денгизи бўйида яшовчи халқ.
- Амударёнинг қадимий номи.
- Нусха, қолип.
- Айб, ножўя иш.
- Нарвон.
- Қадимда муаллима номи.

## Бўйига:

- Ҳиндистондаги штат.
- Оёқ қисми.
- Тропик мамлакатларда ўсади-ган қора дарахт.
- Юқори мартабали, даражали.
- Машҳур кўшиқларни ўзлаштириб ашула айтувчи.
- Ҳинд ёзувчиси... Чанд.
- Боши тароқ думи... (топишмоқ).
- Исм.
- "... қиз — вафоли қиз".
- Уйдан вақтинча фойдаланиш.
- Садриддин Айний асари.
- Спорт комплекси.
- Суриянинг қадимий номи.
- Қозоғистондаги шаҳар.
- Россиядаги дарё.
- Раҳм қилувчи.
- Чора, илож.
- Хизмат ҳақи.
- Кийим.
- Эрта тонг.

Тузувчи: **Файзулла Абдуллаев.**



## ГАЗЕТАНИНГ ЎТган Сонида ЭЪлон Қилинган Циклокроссворднинг Жавоблари:

Белгиланган хонадан соат миля йўналишида рақам атрофига:  
 1. Полк. 2. Лото. 3. "Баёт". 4. Бета. 5. Сато. 6. Осиё. 7. Сули. 8. Милк. 9. Илек.  
 10. Мали. 11. Аҳил. 12. Баҳр. 13. Зубр. 14. Зебу. 15. Узук. 16. Куба. 17. Така.  
 18. Тақа. 19. Қанд. 20. Нақд. 21. Илон. 22. Чили. 23. "Лидс". 24. Сада. 25. Асар.  
 26. Сабо. 27. Клуб.

## КРИПТОГРАММА

Очкич сўзлар: 1. Бахт. 2. Лавҳ. 3. Рукн. 4. Жиян. 5. Эскимо. 6. Шар.  
 Ҳикмат: **Муруват бирла жонни нисор эт, Ҳамиша яхшиликни шиор эт.**

## Хабарингиз борми?

### "КУРАШ САРОЙИ"НИНГ "УЙ ТҮЙИ"

Мамлакатимизда курашнинг ҳар қандай турига нисбатан эътибор янада ортмоқда. Буни Жиззахдаги "Кураш саройи"да куни кеча бошланган мамлакатимиз ички ишлар идоралари ходимлари ва ўқув юртлари талабалари ўртасида жанговар кўл жанги бўйича республика биринчилиги учун ўтказилаётган мусобақалардан ҳам билса бўлади. "Кураш саройи"нинг ўзига хос "уй тўйи" бўлган бу тадбирнинг биринчи кунини олий тоифадаги ҳакам Р. Илҳомов бошчилигидаги ҳайъат олти хил вазн бўйича энг кучлиларни саралаб олдилар. Энди навбат қизгин курашга. Кўл жанги бўйича ўтган мусобақанинг тафсилоти ва голиблик кимларга насиб этгани билан газетамизнинг кейинги сонидан танишасиз.

Ўз мухбиримиз.

Милиция генерал-майори Ф. Зокиров номидаги Республика ҳуқуқий лицейи томонидан 1995 йили **Баҳром Таваккалович НУРДИНОВ** номига берилган **АО 235601** рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Одилжон Гофуровга волидан муҳтарамаси**

**ЛАЗОКАТХОН** ҳожи онанинг

вафот этганлиги муносабати билан **чуқур ҳамдардлик билдирадилар.**

**Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ДАНБ рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Х. Р. Тошкеновга волидан муҳтарамаси**

**Шарофат** ва **ТОШКЕНБОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан **чуқур тазия изҳор этадилар.**

**Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ҳамда Булунгур тумани ИИБ шахсий таркиби туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Саъдулло Қулиевга онаси**

**ТАМАРА** аянинг

вафот этганлиги муносабати билан **чуқур тазия изҳор этадилар.**

**Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қува тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори А. Ҳайдамовга отаси**

**Мирзахамид ҲАЙДАМАТОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан **чуқур ҳамдардлик билдирадилар.**

**Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ШТБИХ бўлими бошлиғи, ички хизмат майори А. Халиловга отаси**

**Абрал ХАЛИЛОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан **чуқур ҳамдардлик билдирадилар.**

**Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Фарғона тумани ИИБ бошлиғи муовини, милиция майори Фахриддин Каримқуловга акаси**

**Ғанижон КАРИМҚУЛОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан **чуқур ҳамдардлик билдирадилар.**

**Пастдаргом тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ ВЕИН инспектори, милиция лейтенанти**

**Шароф ЖҲҲРАЕВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан **марҳумнинг она аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.**

**Тошкент вилояти ИИБ ДАНБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ инспектори, милиция старшинаси М. Исмаиловга умр йўлдаши**

**Машқура ИСМАТОВА**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан **чуқур ҳамдардлик билдирадилар.**

## KELGUSI HAFTA UCHUN MUNAJJIMLAR BASHORATI

### КҲҲ (21 март – 20 апрель)

Ушбу ҳафта ички тўғунгизга таяниб катта наф келтирувчи лойиҳани амалга оширишга муваффақ бўласиз. Пайшанба куни яқин кишингизни қўллаб-қувватлашни маслаҳат берамиз.

### СИГИР (21 апрель – 21 май)

Душанба куни эътиборли киши сизга ҳомийлик қилиши, чоршанба куни эса янги голярингиздан бирини ҳаётга тадбиқ этишингиз эҳтимолдан холи эмас. Мазкур ҳафта саломатлигингиз билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин. Бу эса дам олиш кунлари кайфиятингизга ўз таъсирини кўрсатади.

### ЭГИЗАКЛАР (22 май – 21 июнь)

Ҳафтанинг дастлабки кунларидаги амалий фаоллигингиз моддий ютуқлар келтиради. Барча муносабатларда жума омадли кундир. Шу куни ҳеч иккиланмай тавақал иш тутишингиз мумкин.

### ҚИСКИЧБАҚА (22 июнь – 23 июль)

Сешанба куни меҳнат ютуқлари билан ҳамкасбларингиз ҳурмати ва бошлиқлар ишончини қозонасиз. Шанба куни ишқий саргузашт кутилмоқда. Яқинда куни ўзингизни қизиқтираётган муҳим масала бўйича телефон кўнғирогини кутинг.

### АРСЛОН (24 июль – 23 август)

Ушбу ҳафта иш жойингиздаги келишмовчилик билан бошланади. Қариндошларингиздан пайшанба куни қимматли маслаҳат оласиз. Жума куни ижодий фаоллик кутилмоқда. Дам олиш кунларидаги кўнғилли ҳордиқ узоқ вақт ёдингизда қолади.

### БОШОҚ (24 август – 23 сентябрь)

Чоршанба куни воқеаларнинг қутилмаган томонга ўзгариши яқин келажакка белгиланган режаларингизни кўриб чиқишни талаб этади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида оилангиздаги илиқ муносабатлар иш жойингиздаги муаммоларни енгишингизда кўл келади.

### ТАРОЗИ (24 сентябрь – 23 октябрь)

Ҳафтанинг бошида ажойиб инсон билан танишасиз. Чоршанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Шанба ва яқинда кунлари ҳар қандай сафарлар кўнғилли натижа келтиради.

### ЧАЁН (24 октябрь – 22 ноябрь)

Мазкур ҳафта давомида ўзингизга бино қўйиб юборишингиз касбингиз билан боғлиқ масалаларни ечишга салбий таъсир кўрсатади. Дўстлар билан учрашув ва мулоқотлар жума-шанба кунларининг ажойиб дамларидир. Яқинда куни соғлигингизнинг бироз панд бериши белгиланган ишларингизни барбод қилиши мумкин.

### ЁЙ (23 ноябрь – 21 декабрь)

Сизнинг ижодий ёндошингиз нафақат санъат, балки молиявий масалаларни ечишда ҳам кўл келади. Пайшанба куни ўйламай ваъда бериб қўйманг. Ўтган ҳафтада юзага келган муаммо шанба куни фаол иштирок этмасангиз ҳам ҳал бўлади.

### ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь – 20 январь)

Душанба куни қийин аҳволдан осонгина қутулиб оласиз. Чоршанба куни тавақал ўтказилаётган тадбирда иштирок этмасликни маслаҳат берамиз. Чунки, у сизга ҳеч қандай фойда келтирмайди. Дам олиш кунларини табиат бағрида ўтказинг.

### КОВҒА (21 январь – 19 февраль)

Сешанба ва чоршанба кунлари қутилаётган амалий музокараларда сўзамоллик санъатингиз ва ақлий қобилиятингиз катта наф келтиради. Жума куни ишга жуда берилиб кетмасликни маслаҳат берамиз. Чунки, бу саломатлигингизга таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас. Дам олиш кунларини хонадонингизда одатдаги вазиятда ўтказишга ҳаракат қилинг.

### БАЛИҚ (20 февраль – 20 март)

Ҳафтанинг бошида бўлиб ўтадиган ишқий саргузаштлар узоқ вақт ёдингизда қолади. Дипломатлик маҳоратингиз пайшанба куни бошлиқлар билан мулоқотда кўл келади. Яқинда куни кўнғилли ҳордиқ чиқаришга умид боламиз.

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1



Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Zokir ATAYEV

Muharrir Erkin SATTOROV (Bosh muharrir o'rinbosari v.b.)

Mas'ul kotib J. G'OIPOV

Navbatchi: S. SHAMSIDDINOV  
 Musahhihlar: M. AKRAMOVA, G. XOLIQOVA  
 Sahifalovchi va dizayner: A. MIRZAMUHAMEDOV

## TELEFONLAR:

Bosh muharrir o'rinbosari — .... 139-77-23.  
 Mas'ul kotib ..... 139-73-88.  
 muxbirlar bo'limi ..... 139-75-69.  
 Faks ..... 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: ..... 54-37-91, peyjer: ... (088) 36-97, 55-19.

Elektron pochta postmaster@urmvd.co.uz

Bizning hisob raqamimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida: 21596000200447980001, MFO 00014.

• Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart

• Maqolada keltirilgan raqamlar, faktlar va boshqa ma'lumotlar, shuningdek, ochiq e'lon qilinishi mumkin bo'lmagan ma'lumotlar uchun muallif javobgar hisoblanadi.

• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.

• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Ro'yxatdan o'tish tartibi № 00007. Buyurtma Г — 382. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — ..... 19.00.  
 Bosishga topshirildi — ..... 19.00.

Obuna raqami — 180

101899 nuxxada chop etildi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa konserni bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.